

БУИРУҚ  
АРИЗА  
Даъво аризаси  
ОРИЗОНА  
ИРИЗОНАШ  
БАЁНВОМА

**НАФИСА САДИНОВА**

**ИШ ЮРИТИШ  
ТЕРМИНЛАРИНИНГ  
ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ  
ЛУҒАТИ**

далилатномаси

ИҚНОМА

Иққариш

далилатномаси

ИқНОМА

Шағозим иуриқномаси

МАЪЛУМОТНОМА

Шахсии маълумотнома

КАДРЛАР БУЛИМИ

ШАРТНОМА

далолатном

Иққариш

Иққариш

Иққариш

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги**

**Навоний давлат педагогика институти**

**НАФИСА САДИНОВА**

**ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНЛАРИНИНГ  
ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

**Тошкент - 2019**

651.4

C-18

330(038)

65.290-2я2

C 18

**Садинова, Нафиса.**

Иш юритиш герминларининг қисқача изоҳли луғати [Матн] : луғат /  
Н. Садинова, - Тошкент : INNOVATION RIVOJLANISH NASHRIYOT-  
MATBAA UYI, 2019. - 160 б.

**УЎК 330(038)**  
**КБК 65.290-2я2**

Ушбу луғат иш юритиш амалиётига оид 1400 дан ортиқ асосий герминлар ва терминологик бирикмаларни, шунингдек, ижтимоий ҳаёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ, менежмент, савдо ва таълим соҳаларида кенг қулланунчи, иш юритишга билвосита алоқадор терминларни қамраб олган. Улар амалдаги ишончли манбаларга таянган ҳолда изоҳланган.

Луғат иш юритиш, менежмент соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларга, иш юритиш жараёни билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*Масъул муҳаррир:*

**Абдувахоб Мадвалиев,**

филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

*Тақризчилар:*

**Нигора Муродова,**

филология фанлари доктори, доцент

**Неъмат Маҳкамов,**

филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Навоий давлат педагогика институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2019 йил 28 февралдаги 7-сонли йиғилиш баённомаси).

ISBN 978-9943-5576-5-9

SDVO

© Садинова Нафиса

© Инновацион ривожланиш нашриёт - матбаа уйи

2

370881

## СУЗБОШИ

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунининг қабул қилиниши ва Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши она тилимиз кадрини тиклаш йўлидаги муҳим бир ходиса ҳисобланади. «Давлат тили ҳақида»ги қонун ва унинг амалга оширилиши илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъатнинг барча соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш ва идора, ташкилот, корхоналарнинг давлат тилида иш юритиши учун зарур булган ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришни тақозо этади.

Ўзбек ҳужжатчилигини, айниқса, унинг асосий қисмини ташкил этувчи иш юритиш доирасини такомиллаштириш ва бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда, чунки оддий фуқародан тортиб корхона ва ташкилот раҳбаригача иш юритиш ҳужжатларининг мукамал бўлишидан манфаатдордир. Ҳужжатларнинг такомиллашувида, талабга жавоб берарли даражада бўлишида эса унда қўлланаётган терминларни тартибга солиш, уларни илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга. Бу республика-миз зиёлилари, биринчи навбатда, турли фан соҳалари терминларини ўрганувчи олимлар зиммасига Ўзбек терминологиясининг илмий асосларини тула ва пухта ишлаб чиқиш ҳамда терминларни тартибга солишдек улкан масъулиятни юклаган эди. Мазкур қонун қабул қилингандан кейин, айниқса, республика мустақиллиги йилларида турли фан соҳалари мутахассислари Республика Атамашунослик қўмитаси (Терминология комитети) ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда терминларни тартибга солиш ва терминологик лўғатлар тузиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширган бўлсалар-да, бу соҳадаги кўзланган натижаларга тўлиқ эришилди деб бўлмайди. Илмий-оммабоп адабиётларда, айниқса, матбуотда, оммавий ахборот воситаларида термин қўллашдаги ҳар хилликлар ҳануз давом этиб келмоқда. Бу ҳолат купинча кундалик ижтимоий турмушда, матбуот саҳифаларида тез-тез қўлланадиган байналмилал сўзлар билан уларнинг аввал истъомолдан чиқариб юборилган синонимларини ёки амалдаги байналмилал сўз ва терминлар билан уларнинг ўрнига тавсия этилаётган арабча ва форсча сўзларни аралаш қўллашда кузатилмоқда.

Зеро, жамият ҳаётида руй бераётган узгаришлар, турли-туман янгиликлар, бошқа терминологик тизимларда бўлгани каби иш юритиш терминологиясида ҳам узгаришлар бўлишига сабаб бўлмоқда. Би-

нобарин, ҳар қандай терминологик тизимнинг тараққиёт жараёни янги терминларнинг пайдо бўлиши, истеъмолга киритилиши ҳамда мавжудларининг замонавийлик ёки маъновий жиҳатдан номувофиқлиги туфайли истеъмолдан чиқишидан иборатдир.

Бугунги Ўзбекистонимизнинг жаҳонга юз тутиб, шиддат билан ривожланиш жараёнида ўзбек тилида мукаммал ҳужжатчиликни яратиш, унинг терминларини чегаралаб олиб ишлаб чиқиш энг долзарб вазифалардан бирига айланган. Бу ҳолат эса иш юритиш соҳасида терминларнинг изоҳини мукаммаллаштириш эҳтиёжини туғдирмоқда. Кулингиздаги луғат ана шу эҳтиёжни қондириш йулидаги дастлабки тажрибадир.

## ЛУҒАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Луғатда иш юритиш амалиётига оид 1400 дан ортиқ асосий терминлар ва терминологик бирикмаларнинг, шунингдек, ижтимоий ҳаёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ, менежмент, савдо ва таълим соҳаларида кенг қўлланувчи, иш юритишга билвосита алоқадор терминларнинг маънолари изоҳлаб берилган. Терминларни танлаб олишда, асосан, иш юритиш соҳасида тузилган таржима луғатларига таянилди. Терминлар изоҳини беришда эса “Ўзбек тилида иш юритиш”, “Иш юритиш” қўлланмаларининг барча нашрларидан, беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ва ўн икки жилдли “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ва соҳа луғатларидан фойдаланилди. Луғатлардан ўрин олмаган, лекин иш юритишда қўлланадиган ҳужжат турлари ҳамда уларнинг изоҳлари ҳам иш юритиш соҳасида фаол фойдаланилаётган “Иш юритиш” амалий қўлланмасига суянган ҳолда изоҳланди. Иш юритишга оид тарихий терминлар ҳамда замонавий иш юритиш терминологиясида ҳали барқарорлашиб улгурмаган терминлар луғатга киритилмади.

Ҳар бир изоҳланаётган сўз луғатда алифбо тартибида жойлаштирилган. Термин катта ҳарфлар билан берилган, ундан сўнг қавс ичида ўлашма сўзларнинг этимологияси ва тегишли тилдаги маъноси берилди.

Луғатда айрим терминларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида изоҳдан сўнг мисоллар берилди. Шунингдек, изоҳланаётган терминга алоқадор бўлган, унинг маъносини аниқлаштиришга хизмат қилувчи терминлар қ. (қаранг) белгиси билан берилди.

Иш юритиш соҳаси узлуксиз ривожланишда бўлгани ва терминни изоҳлаш мураккаб жараён эканлиги учун терминларнинг қўлланиши ва изоҳланишида ҳам баҳсли ўринлар бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам луғат муаллифи мукамалликни даъво қилмайди ва луғатни такомиллаштириш юзасидан билдириладиган барча танқидий фикр-мулоҳазаларни, таклиф ва тавсияларни самимий қабул қилади.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- а.* – араб тилига мансуб сўз  
*айн.* – айнан  
*бухг.* – бухгалтерия соҳасига оид термин  
*ж.к.* – жўналиш келишиги  
*ингл.* – инглиз тилига мансуб сўз  
*итал.* – итальян тилига мансуб сўз  
*икт.* – иқтисодиёт соҳасига оид термин  
*лот.* – лотин тилига мансуб сўз  
*мас.* – масалан  
*мл.* – молияга оид термин  
*нем.* – немис тилига мансуб сўз  
*пол.* – поляк тилига мансуб сўз  
*полигр.* – полиграфия соҳасига оид термин  
*р.* – рус тилига мансуб сўз  
*салб.* – салбий маънода  
*с. кўпл.* – муайян сўзнинг кўпшик шакли  
*с.т.* – сўзлашув тилига хос сўз, ибора  
*ф.* – форс ва тожик тилларига мансуб сўз  
*фр.* – француз тилига мансуб сўз  
*ш.к.* – шу каби(лар)  
*эск.* – эскирган сўз  
*юн.* – юнон тилига мансуб сўз  
*қ.* – қаранг  
*ҳарб.* – ҳарбий соҳага оид термин  
*ҳуқ.* – ҳуқуқ соҳасига оид термин

**АБЗАЦ** [нем. Absatz < absetzen – янги сатрдан бошлаш] 1 Матн (текст)нинг дастлабки қаторини бироз ўрин (уч ҳарф ўрни) қолдириб бошлаш; хатбоши, сатрбоши. *Янги абзацдан ёзмоқ.*

2 Матннинг бир хатбошидан кейинги хатбошигача булган қисми. *Бир абзац ташлаб ёзмоқ.*

**АБИТУРИЕНТ** [лот. abiturienti, abiturientis – кетмоқчи булган киши] Олий ёки урта махсус ўқув юртига кириш учун даъвогар.

**АБОНЕМЕНТ** [фр. abonnement] Бирор нарсадан, мас., театрдаги ўриндан, маълум бир муддат ичида фойдаланиш ҳуқуқи ва шу ҳуқуқдан фойдаланиш учун берилган хужжат, талон. *Кутубхоналараро абонемент.*

**АБОНЕНТ** [нем. Abonnent < фр. abonner – ёзилмоқ, обуна бўлмоқ] Абонементдан фойдаланувчи, абонемент эгаси; обуначи. *Кутубхона абоненти.*

**АВАНС** [фр. avance] Бир жисмоний ёки юридик шахс томонидан бошқасига келгусида туланадиган ҳақ ҳисобидан олдиндан бериладиган пул миқдори; бўнак. *Аванс бермоқ.*

**АВИЗО** [итал. avviso < лот. avis – қуш] Банк, тижорат, бухгалтерия амалиётида ҳисоб-китоб муомалаларининг бажарилганлиги тўғрисида бир аҳдлашувчи томоннинг иккинчисига юборадиган расмий хабарномаси.

**АВТОБИОГРАФИЯ** [юн. autos – ўзи, ўзим + биография] Бирор шахснинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли; *яна қ. таржимаи ҳол.*

**АВТОГРАФ** [юн. autos – ўзи, ўзим + grapho – ёзаман] 1 Асарнинг муаллиф қўли билан ёзилган нусхаси, асл қўлёзма.

2 Ўз қўли билан ёзилган ёзув ва имзо (қўпинча хотир учун); *яна қ. дастхат.*

**АВТОР** [лот. au(c)tor – яратувчи, кашшоф; ижодкор] айн. муаллиф.



**АВТОРЕФЕРАТ** [юн. autos – ўзи, ўзим + реферат] Илмий асарнинг уз муаллифи томонидан ёзилган қисқача баёни. *Диссертация автореферати.*

**АГЕНТ** [лот. agens, agentis – ҳаракатдаги; иш юритувчи] 1 Ташкилот, муассаса ва ш.к. нинг маълум вазифаларни бажариш учун тайинланган вакили. *Молия агенти.*

2 Бировлар томонидан қуйилган, бировларнинг манфаатлари учун махфий хизмат қиладиган шахс. *Халқаро терроризм агентлари.*

3 Бирор давлат разведкасининг махфий ходими; жосус, айғоқчи.

**АГЕНТЛИК** Бирор идора, муассаса ёки корхонанинг жойлардаги (маҳаллий) бўлими, шунингдек, ахборот йиғиш ва тарқатиш, воситачилик қилиш вазифасидаги баъзи муассасалар номи. *Телеграф агентлиги. Молия агентлиги.*

**АДРЕС** [фр. adresse – юбормоқ] 1 Бирор киши ёки ташкилот урнашган жой, манзилнинг номи ва бошқа белгилари (уй ёки квартира рақами ва ҳ.к.) мажмуи, унинг қайди. *Институт адреси. Уй адреси.*

2 Почта орқали юбориладиган нарсалар устидаги уларнинг борадиган жойи ва олувчининг номи кўрсатилган ёзув.

3 Бирор тантана муносабати билан муассаса, ташкилот ёки айрим шахс номига юборилган, одатда, папка ва ш.к. нарса ичига солинган табрикнома; ёднома.

**АДРЕСАНТ** [нем. Adressant – юборувчи] Почта орқали телеграмма, хат ва ш.к. юборувчи шахс ёки ташкилот.

**АДРЕСАТ** [нем. Adressat – олувчи] Адресига хат, телеграмма ва ш.к. юборилувчи киши ёки ташкилот.

**АЙБ** [а. “айб” – нуқсон] ҳуқ. Қонунга хилоф хатти-ҳаракат; жиноятга тортишнинг зарур шартги.

**АЙБДОР** ҳуқ. Жиноий иш қилган, қонунга хилоф иш қилган, жиноий жавобгар киши.

**АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ** Жиноят юзасидан тергов натижасида аниқланган ҳолатлар ва айб мазмуни баён этилган ҳужжат; айбнома.

**АЙНАН НУСХА** Асл нуханинг барча хусусиятларини – ҳужжат ширурий қисмларининг жойлашишини, мавжуд шаклий белгилар, матннинг босма, ёзма ҳарф шакллари аниқ ва тўлиқ акс эттирувчи нусха. Мас., *фотонусха*.

**АКАДЕМИК ТАЪТИЛ** Олий таълим тизимидаги ўқитувчиларга ўқув мақсадларида бериладиган маоши тўлиқ ёки қисман сақланиб, шундан узоқ муддатга озод қилишдан иборат таътил тури. Ҳозирда бундай таътил олиш ҳуқуқидан фойдаланиш бошқа ўқитувчиларга, талабаларга, шунингдек, фан, саноат ва тижорат соҳалари ходимларига ҳам татбиқ этилмоқда. *Академик таътил олиш*.

**АККОРД** [*итал. accordo* – келишув, битим] Шартнома асосида бажариладиган; ишбай.

**АККОРД ИШ ҲАҚИ** Шартнома асосида ишбай усулида бажарилган иш учун бирыўла туланадиган иш ҳақи (асосан, қурилиш соҳасида).

**АККРЕДИТИВ** [*лот. accreditivus* – ишончли, ваколатли] *мл.* 1 Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олиб бориладиган банк ҳисоб варағи. |

2 Томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоб тури.

3 Номига ёзиб берилган шахсга кўрсатилган суммани кредит муассасасидан олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз.

**АККРЕДИТЛАШ** [*лот. accredo* – ишонмок, ишонч билдирмок] *ҳуқ.* 1 Дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки давлатнинг бирон-бир халқаро ташкилотдаги доимий вакили лавозимига тайинлаш ва шу лавозимни бажаришга киришиш тадбирлари.

2 Журналистга муайян ҳудудда бўлиш ва у ерда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ёритиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

**АКТИВ** [*лот. activus* – фаол, ҳаракатчан] 1 Корхона ёки ташкилотнинг мулки ва ресурслари (бино, машина, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқалар).

2 *бухг.* Баланснинг кирим, даромад қисми; бухгалтерия балансининг бир қисми; *зид. пассив*.

**АКТИВ БАЛАНС** Кирим (даромад) чиқимдан, буромаддан ортик булган баланс; фаол баланс.

**АКТУАРИЙ** [лот. actuarius – тезкор, тез ёзувчи мирза] Суғурта компаниясининг суғурта хатларини баҳолаш ҳамда суғурта туловлари ҳисоб-китоби билан шуғулланувчи мутахассис, иш юритувчи.

**АКЦЕПТ** [лот. acceptus – қабул қилинган] 1 Фуқаролик ҳуқуқида: бир томоннинг таклифи (оферта)да кўрсатилган шартларда шартнома тузишга розилик билдириш; халқаро ҳуқуқда: шартнома шартлари билан боғланганлик тўғрисида бир томонлама ариза.

2 Хўжалик ташкилотларида нақд пулсиз олиб бориладиган ҳисоб-китобнинг асосий шакли: товарлар, хизматлар, бажарилган ишлар ҳақини тақдим этилган тулов талабномасига мувофиқ тулашга розилик ёки тулашни қафолатлаш.

**АКЦИЗ** [фр. accise < лот. accidere – кесмоқ] Кенг истеъмол моллари (канд, гугурт, туз ва х.к.) ва хизматларга солинадиган билвосита солиқ тури. Махсулотга ёки кўрсатилаётган хизмат (коммунал, транспорт ва бошқа турдаги хизматлар) нархи устига қўйилади.

**АКЦИЯ I** [фр. action – қимматбаҳо қоғоз] Акциядорлик жамияти чиқарган қимматбаҳо қоғоз. *Акцияларга туланадиган дивидендлар миқдори.*

**АКЦИЯ II** [лот. actio – ҳаракат] Бирор мақсадга эришиш учун қилинадиган иш, ҳаракат. *Дипломатик акция. Савдо марказларида акция ўтказмоқ.*

**АКЦИЯДОР** Акциялар эгаси; ундан фойда кўрувчи жисмоний ёки юридик шахс; акциячи; акциядорлар жамияти аъзоси. *Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши.*

**АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ**, **акциядорлик жамияти** Турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини уюшган шерикчилик асосида бирлаштирадиган жамият. *Акциядорлар жамиятининг йиллик молиявий-хўжалик фаолияти.*

**АЛИМЕНТ** [лот. alimentum – қарамоғидаги, боқимидаги] Қонунда белгиланган ҳолларда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзоси ёки аъзоларини моддий таъминлаш учун мажбуран туланадиган маблағ, нафақа.

**АЛОҚА** [а. “алоқа” – боғланиш, муносабат] 1 Турли воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш. *Почта алоқаси. Телефон алоқаси.*

2 Кишилар, ташкилотлар, давлатлар уртасидаги муомала, муносабат, боғланиш; борди-келди. *Дустлик алоқаси. Савдо алоқалари.*

**АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ** Ахборотларни узатиш ва қабул қилиш воситалари: почта, телефон, телеграф, телефакс, интернет, радио, телевидение ва б.

**АЛОҲИДА ШАХС** Узига хос, бошқалардан фарқ қиладиган, ажралиб турадиган; бошқача шахс.

**АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАР** Айни пайтда ҳуқуқий кучга эга бўлган, жорийлашган қонунлар.

**АМАЛИЁТ** [а. “амалиёт” – амалий масалалар] Амалий иш, амалий жараён, кундалик тажриба. *Хужалик шартномаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш ҳам амалиётга киритилган.*

**АМНИСТИЯ** [юн. amnestia – унутиш; кечирिश] Олий ҳокимият қарори билан муайян тоифадаги судланган шахсларнинг жазосини юмшатиш ёки уларни жазодан озод этиш; афви умумий.

**АНДОЗА** [ф. “андоза” – ўлчов, қолип] Ўлчов, меъёр; стандарт. *Замонавий андозалар.*

**АНДОЗАЛАШ** Ўлчовга, меъёрга солиш; стандартлаш.

**АНЖУМАН** [ф. “анжуман” – йиғин, мажлис] Умуман, бирор ҳодиса, тантана муносабати билан бўладиган йиғин, мажлис. *Халқаро анжуман.*

**АНКЕТА** [фр. enquete – суриштириш, хабар, маълумот олиш] 1 Тегишли маълумот олиш, тўплаш учун белгиланган сўроқ варақаси, суровнома; саволнома. *Анкета маълумотлари. Анкета тўлдирмоқ. Анкета сурови.*

2 Сўроқ (савол) орқали тўпланган маълумотлар, шундай йўл билан маълумотлар тўплаш. *Анкета ўтказмоқ.*

**АННОТАЦИЯ** [лот. annotatio – мулоҳаза, қайд; эслатма] Китоб, мақола ва ш.к. нинг мазмуни, аҳамияти ҳақидаги қисқача маълумот, қисқача таъриф. *Китоб аннотацияси. Аннотация ёзмоқ.*

**АНОНИМ** [юн. anonymos – номсиз] Муаллиф номи қайд этилмаган хат ёки ҳужжат. *Аноним хат.*

**АПЕЛЛЯЦИЯ** [лот. appellatio – мурожаат, шикоят] Бирон-бир қарор, фикр, олинган натижа юзасидан юқори ташкилот ёки идорага шикоят аризаси билан мурожаат этиш. *Апелляцияга бермоқ.*

**АППАРАТ** [лот. apparatus – тайёргарлик; жихоз, усқуналар] Бошқарма ёки хўжалиқнинг бирор соҳасига хизмат қиладиган муассасалар мажмуи, мазкур муассасаларнинг ходимлари. *Давлат аппарати.*

**АПРОБАЦИЯ** [лот. approbatio – маъқуллаш, тасдиқлаш] Текшириш, синаш ва муҳокама асосида расмий суратда маъқуллаш. *Уқув дастурларини апробация қилиш.*

**АРБОБ** [а. “арбоб” – жаноблар; хўжайинлар; амалдорлар] 1 Фан, маданият, санъат соҳасида ёки давлат ишида ўз фаолияти билан танилган, шу соҳада ўзини кўрсатган шахс. *Жамоат арбоби. Санъат арбоби. Сиёсий арбоб.*

2 Давлат, ҳуқуқат аппаратида ишловчи юқори мартабали шахс, раҳбар. *Давлат арбоблари.*

**АРЕСТ** [нем. arrest – қамоққа олиш; тақиқлаш < лот. arrestum – ҳуқм, қарор]: **арест солмоқ ҳуқ.**, *мл.* Мулк ёки пулдан фойдаланиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этмоқ, мол-мулкни хатлаб, муҳрлаб қўймоқ.

**АРИЗА** [а. “ариза” – арзнома; илтимоснома] Муайян муассасага ёки мансабдор шахс номига бирор илтимос, таклиф ёки шикоят мазмунида ёзиладиган расмий ҳужжат. *Ариза бермоқ. Ариза ёзмоқ.*

**АРИЗАБОЗ** Ариза ёзишга берилган, булар-булмасга ариза ёзаверадиган шахс.

**АРИЗАЧИ** 1 Ариза берувчи, ариза берган шахс.

2 *тар.* Фуқародан тушган ариза, илтимоснома, шикоятларни ўзидан юқори амалдорга маълум қилиб турувчи мансабдор шахс.

**АРИЗАЧУП** Ичига хужжат солиб, чопар орқали етказишга мўлжалланган узунчоқ, ичи ковак, чиройли ишланиб, сирти нақшланган ётоқ ғилоф. Урта асрларда Туркистон хонликларида ишлатилган.

**АРТИКУЛ** [лот. articulus – бўлим, қисм] 1 Баъзи қонун ва расмий ҳужжатларда махсус модда.

2 Махсулот, товар тури, шунингдек, унинг рақамли ёки ҳарфий ифодаси.

**АРХИВ** [лот. archivum ва юн. archēion – муассаса] 1 Эски ҳужжатлар, ёзма ва график ёдгорликларни сақлаш, системалаштириш ва тавсифлаш билан шуғулланадиган махсус муассаса. *Давлат архиви.*

2 Муассасанинг эски ҳужжатлар, тугалланган ишлар ва ш.к. сақланадиган бўлими. *Институт архиви.*

3 Бирор муассаса ёки шахснинг иш фаолиятига алоқадор бўлган хатлар, қўлёзмалар, фотосуратлар ва ш.к. йиғиндиси, мажмуи. *Ёзувчининг шахсий архиви.*

4 Компьютер хотирасида сиқик ҳолда сақланадиган маълумотлар мажмуи.

**АРХИВАРИУС** айн. архивчи.

**АРХИВЧИ** Архив ходими, архивда ишловчи киши.

**АРХИВШУНОСЛИК** Қўлёзмаларни, ҳужжатларни туплаш, тартибга солиш ва сақлаш, шунингдек, архив иши тарихини урганиш, ташкил қилиш каби масалалар билан шуғулланувчи илмий соҳа.

**АСЛ НУСХА** Ҳар қандай ҳужжатнинг асли, биринчи расмий нусхаси.

**АСОС** [а. “асос” – негиз; манба] 1 Ижтимоий ҳаёт ёки табиат қодисаларининг негизини ташкил этган нарса; таянч, пойдевор. *Илмий асос. Назарий асос.*

2 Содир бўлган ёки қилинган иш-ҳаракат, айтилган фикр ва ш.к. ни далилловчи нарса. *Ишончли асос.*

**АСОСИЙ** Аҳамият эътибори билан муҳим, бирламчи. *Асосий вазифа. Асосий масала. Асосий иш жойи.*

**АСОСИЙ ФАОЛИЯТГА ОИД БУЙРУҚЛАР** Муайян бир шахсга эмас, бутун жамоага қаратилган буйруқ шакли бўлиб, унда юқори ташкилотлардан келган курсатма ҳужжатлар ходимларга етказилади; ишни ташкил қилиш, муассаса ёки унинг бўлимлари фаолиятини тартибга солишда қўлланади.

**АСОСЛИ** Етарли асосга эга бўлган, далиллар билан мустаҳкамланган, исбот қилинган. *Асосли ҳулоса. Асосли даъво.*

**АСОССИЗ** Етарли асоси бўлмаган, далиллар билан мустаҳкамланмаган. *Асоссиз ҳулоса. Асоссиз далил. Асоссиз гумонсираш.*

**АСОСЧИ** Бирор нарсага асос солган, пойдевор қурган шахс; бирор нарсани барпо қилган, таъсис этган ёки бошлаб берган киши; яратувчи.

**АТТЕСТАТ** [*лот. attestari – тасдиқламоқ, гувоҳлик бермоқ*] 1 Урта мактабни тугатганлик тўғрисидаги ҳужжат; шаҳодатнома.

2 Илмий ёки махсус унвон берилганлиги ҳақидаги ҳужжат. *Профессорлик аттестати. Катта илмий ходимлик аттестати.*

**АТТЕСТАЦИЯ** [*лот. attestatio – гувоҳлик бериш; гувоҳнома; тасдиқнома*] Ходим малакасини, билим даражаси ва хулқ-атворини аниқлаш ва шу асосда ишга тайинлаш ёки унвон бериш. *Аттестациядан ўтказмоқ. Аттестация комиссияси.*

**АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ** Ходимларни аттестациядан ўтказиш учун тузилган ва муайян ваколатлар берилган махсус ҳайъат.

**АУДИТ** [*лот. auditis – эшитиш, тинглаш*] Аудиторлик ваколати бўлган шахслар (аудиторлик фирмалари) томонидан ҳужалик субъектлари молиявий ҳисоботининг экспертизаси ва таҳлили; тафтиш.

**АУДИТОР** [*лот. auditor – тингловчи*] Белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган (ваколатлар берилган) ва аудиторлар касбий рўйхатиغا киритилган шахс (мутахассис).

**АУДИТОРЛИК ФИРМАСИ** Корхона ва ташкилотларнинг молиявий-ҳужалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирма.

**ЛУКЦИОН** [лат. auctio, auctionis – ўсиш, кўпайиш; оммавий савдо] Оммавий кимошди савдоси.

**ЛУКЦИОНЕР** Кимошди савдосида қатнашувчи.

**ЛУКЦИОНЧИ** Кимошди савдосини олиб борувчи.

**АХБОРОТ 1** Иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот. *Ахборот бермоқ.*

**2** Вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. *Фанлар академиясининг ахбороти.*

**АХБОРОТ ХАТ** Маълум ташкилот ёки шахсни амалга оширилайётини тадбирдан хабардор қилиш мақсадида тайёрланадиган хат.

**АХБОРОТНОМА 1** Ёзма ахборот.

**2** Махсус нашрнинг номи.

**АЪЗО** [а. “аъзо” – узвлар, қисмлар] **1** Бирор гуруҳ, ҳудуд ва ш.к.да ишловчи, унга мансуб шахс. *Оила аъзоси. Маҳалла аъзолари.*

**2** Бирор гуруҳ, кенгаш, жамоа, жамият ва ш. к.га расмий қабул қилинган, сайланган, унда фаолият кўрсатувчи шахс, жамият, мамлакат ва ш. к. лар. *Жамият аъзоси. Кенгаш аъзоси*

**АҚЛИЙ МЕХНАТ** Ақл-идрок, фикр юритиш билан боғлиқ фаолият.

**АХД** [а. “аҳд” – ваъда, сўз бериш] **1** Ўзига ёки узгага берилган қатъий сўз, ишонтириш сўзи; қарор. *Аҳдида турмоқ.*

**2** Шартнома, келишув, битим. *Тинчлик аҳди.*

**АХДНОМА** [аҳд + нома] Расмий шартнома, битим; пакт. *Ўзаро ёрдам тўғрисида аҳднома. Аҳдномани тасдиқламоқ.*

**АҲКОМ** [а. “аҳком” – ҳукмлар, буйруқлар, қонунлар] эск. кт. Қонун-қоидалар, йўл-йўриқлар, ҳукмлар.

**АҲОЛИ** [а. “аҳоли” – “аҳд” с. қўпл.] Маълум бир ҳудуд, вилоят, мамлакат ва ш. к. да истиқомат қилувчи одамлар. *Маҳаллий аҳоли. Шаҳар аҳолиси.*



## Б

**БАДАЛ** [а. “бадал” – алмаштириладиган буюм; эваз] 1 Бирор нарса-нинг ўрнига, эвазига бериладиган ҳақ ёки нарса, нарсанинг қийматига тенг келадиган бошқа бирор нарса; эваз.

2 Бирор ташкилот (жамият, уюшма) аъзосининг шу ташкилотга тўлаган ёки даврий тўлаб турадиган пули; взнос. *Аъзолик бадали. Касабақумга аъзолик бадали тўламоқ.*

**БАДАРҒА** [ф. “бадарқа” – кузатиш; кузатиб борувчи] ҳуқ. Суд ҳукми билан бошқа ерга юбориш; кўчириш, сургун.

**БАЁН** [а. “баён” – аниқлик; тавсифлаш, ифодалаш] Уқиб ёки айтиб берилган бирор матн асосида ёзиб чиқилган иш; ёзма иш (уқувчилар билимини баҳолашнинг ёзма шаклиларидан бири).

**БАЁННОМА** [баён + нома] Мажлис, йиғилиш, кенгаш ва бошқа тур анжуманларнинг боришини ва улар қабул қилган қарорларни аниқ, сиқик ҳолда қайд қилувчи ҳужжат. *Мажлис баённомаси. Илмий кенгаш баённомаси.*

**БАЁНОТ** [а. “баёнот” – “баён” с. купл. – билдириш, эълон қилиш; декларация] Давлатлараро дипломатик муносабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва шу каби масалалар ҳақида манфаатдор томонларнинг расмий фикрлари, қарашлари ҳамда мақсадларини ифодалайдиган ҳужжат. *Ташқи ишлар вазирлиги баёноти.*

**БАКАЛАВР** [лот. baccalaureus] Баъзи мамлакатларда ва Ўзбекистонда: олий таълим дастурининг биринчи босқичини тугаллаган талабаларнинг илмий даражаси.

**БАКАЛАВРИАТ** Баъзи мамлакатларда ва Ўзбекистонда: мутахассисликлар бўйича фундаментал ва амалий таълим берадиган, ўқиш камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълим.

**БАЛАНС (мувозанат)** [фр. balance – тарози < лот. bilanx – тарозининг иккита палласи] Доимо узгаришда бўлувчи кирим-чиқим, даромад ва буромаднинг узаро нисбати ёки мувозанатини ифода этувчи курсаткичлар тизими. *Савдо баланси. Бухгалтерия баланси. Актив баланс. Пассив баланс.*

**БАЛАНС ҲИСОБОТИ** Кирим-чиқим, даромад ва буромаднинг узаро нисбати ёки мувозанатини ифода этувчи курсаткичлар ифодаланган расмий ахборот.

**БАЛЛ** [фр. balle – соққа, шар] Ўқувчилар, талабалар, спортчилар ва ш. к. ларга бериладиган, рақам билан ифодаланадиган баҳо. *Юқори балл.*

**БАНД I** [ф. “банд” – боб, қисм, модда] Расмий ҳужжатларнинг рақим ёки ҳарф билан бўлиб курсатиладиган кичик бир қисми; модда, шунинг раф. *Қарорнинг бешинчи банди.*

**БАНД II** [ф. “банд” – тўсилган, беркитилган] Эгалланган, ишғол қилинган, буш эмас. *Банд иш урни.*

**БАНДЕРОЛЬ** [фр. bande – тасма + role – ўрам] 1 Қоғозга ўраб, почта орқали жўнатиладиган корреспонденция тури (босма нашрлар, қўлёзма, хат ва б.). *Бандероль жўнатмоқ.*

2 Мол (товар) учун акциз ва бож тўланганидан далолат берадиган, мол устига ёпиштириб қўйиладиган тасмасимон қоғоз.

**БАНДЛИК ХИЗМАТИ** Мамлакат миқёсида аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширувчи ва фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаб берувчи давлат хизмати.

**БАНК** [фр. banque < итал. banco – сарроф пештахтаси, курсиси] Иккинчи буш пул маблағларини тўплаш, корхоналарга кредит (қарз) бериш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш, кредит маблағларини муомаласида чиқариш ва ш. к. билан шуғулланувчи кредит-молия муассасаси. *Давлат банки.*

**БАНК КАФОЛАТИ** Кафил банклар (гарант банклар)нинг мижозлар қарзларини уз ҳисобидан ва уз муддатида тўлай олмаган ҳолларда банклар тегишли таъминот (гаров) асосида уларнинг топшириғига кўра иш уларнинг ҳисобидан мажбуриятларни зиммасига олиши.

**БАНК КРЕДИТИ** Банкларнинг мижозларга вақтинчалик фойдаланиш учун қайтаришлик, банк фоиз тулови ва муддатлилиқ шартлари асосида капитал бериши.

**БАНК МАБЛАҒЛАРИ** Банкларнинг муомалага туширган пул капиталлари мажмуи.

**БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ** Банклар томонидан жорий ёки бошқа ҳисоб вараққа пул қабул қилиш, фоизли ёки фоизсиз кредитлар бериш, биржа топшириқларини бажариш, қимматбаҳо қоғозлар, акциялар сотиб олиш, мижозларнинг топшириқларини бажариш, товарлар ёки товар ҳужжатлари гарови ҳисобига ссудалар бериш, шунингдек, бошқа ҳар қандай пулли ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнлари.

**БАНК ССУДАСИ** Банкнинг фоиз тулови шarti билан кредитга берилган пул маблағи.

**БАНК ФОИЗИ** Банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори; қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади.

**БАНКНОТ** [ингл. bank-note – банк белгиси] Марказий эмиссия банклари чиқарадиган, муайян моддий қийматга эга булган қоғоз пул.

**БАНКОМАТ** [банк + (авто)мат] Муайян банкка қарашли автоматик қурилма; банкнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ўрнатилади ва банк мижозининг унинг узигагина берилган қатъий белгиланган код бўйича нақд пул олишига хизмат қилади.

**БАНКРОТ** [нем. Bankrott < итал. banco rotto – синган курси] Қарзини тўлашга қурби етмай қолган, синган касб-хунар эгаси ёки корхона. *Банкрот бўлмоқ.*

**БАНКРОТЛИК** Фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағи етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги ҳолати.

**БАРТЕР** [ингл. barter – товар айирбошлаш] *иқт.* Пул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айирбошлаш ва шу ҳақдаги шартнома. *Бартер битими. Бартер усули.*

**БАРТЕР АЛМАШУВИ** Тарафлар томонидан пул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айирбошлаш.

**БАРТЕР БИТИМИ** Тарафлар томонидан пул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айирбошлаш ҳақида расмий равишда тушулувчи, қабул қилинувчи аҳднома, шартнома, контракт.

**БЕКОР ҚИЛИШ** Ишдан бўшатиш, озод қилиш ёки амалдан қўйиш қолдириш. *Мансабидан бекор қилиш. Қарорни бекор қилиш.*

**БЕЛГИЛАНГАН ҚИЙМАТ** Олдиндан тайин қилиб қўйилган нарх, баҳо.

**БЕТАРАФ** [бе. + тараф] Ҳеч қайси томонга, гуруҳга ён босмайдиган, қушилмайдиган; ҳолис. *Бетараф мамлакатлар.*

**БЕГАРАЗ ЁРДАМ** Ўз манфаати кўзланмаган, ҳолис ёрдам.

**БИЗНЕС** [ингл. business – иш, машғулот] Даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга ҳилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, ҳужалик фаолияти; тижорат; ишбилармонлик.

**БИЗНЕС РЕЖА** Аниқ танланган тадбиркорлик ишнинг барча босқичлари тавсифланган ва тахминий ҳисоб-китоб қилинган лойиҳа.

**БИЗНЕСМЕН** [ингл. businessman – бизнес билан шуғулланувчи шахс] *айн. ишбилармон.*

**БИЛДИРГИ** *айн. рапорт.*

**БИЛДИРИШ** Қўпчилиққа етказиш, маълум қилиш учун тайёрланган ёзма ёки босма хабар, эълон; билдиришнома.

**БИЛДИРИШНОМА** Муайян муассаса раҳбарига хизмат фаолияти билан алоқадор муҳим масалалар юзасидан ёки нуқори идора, мансабдор шахсга бирон-бир воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар етказиш зарурати тутилганда тақдим этиладиган муфассал ёзма ахборот.

**БИОГРАФИЯ** [юн. bios – ҳаёт + grapho – ёзма] Бирор кишининг ҳаёт йўли ва унинг тавсифи, баёни; *айн. таржимаи ҳол.*

**БИР ГАЛЛИК ИШОНЧНОМА** Аниқ бир ишни амалга ошириш, вазифани бажариш учун берилган ишончнома.

**БИРЖА** [юн. bursa – ҳамён, ҳалта] Қимматбаҳо қоғозлар ва ҳар хил моллар билан савдо-сотик қиладиган йирик савдо муассасаси; бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли.

**БИРЖА БОЖИ** Биржа қўмитаси томонидан биржа аъзолари ва ҳаридор қатнашчиларидан биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқи учун олинадиган пул йиғими.

**БИРЖА КУРСИ** Фонд биржасида муомалада бўлган қимматбаҳо қоғоз (акция, облигация)нинг сотилиш нархи.

**БИРЖАЧИ** Биржа ҳаракат (операция)лари билан шуғулланувчи шахс, биржа корчалони.

**БИРЛАШГАН** Бир турдаги нарсалар ёки тенг ҳуқуқли кишилардан, ташкилотлардан, давлатлардан ва ш. к. дан ташкил топган; муштарак. *Бирлашган ҳужалик. Бирлашган қасаба уюшмалари қўмитаси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.*

**БИРЛАШМА** Маълум асосда ёки маълум мақсадларни кузда тутиб уюшиш натижасида вужудга келган ташкилот, уюшма. *Сиёсий бирлашмалар.*

**БИР ОВОЗДАН** Барча иштирокчиларнинг розилиги билан, юз фоз билан; бир оғиздан. *Қарор бир овоздан қабул қилинди.*

**БИРХИЛЛАШТИРИШ** Бирор нарсани бир хил нормага, умумий бир шаклга келтириш, унификация.

**БИТИК** *эск. кт. 1 айн. ёзув.*

2 Ҳат, мактуб, асар.

**БИТИКЧИ** *тар.* Урта асрларда хон ва маҳаллий ҳокимларнинг барча ёзув ишларини олиб боровчи шахс; котиб.

**БИТИМ 1** ҳуқ. Тарафлар томонидан расмий равишда тузилувчи, қабул қилинувчи аҳднома, шартнома, контракт. *Битим тузмоқ.*

**2** Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракати. *Масъулят битими.*

**БИТИМ ТУЗМОҚ** Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида ҳужжат расмийлаштирмоқ.

**БИТИРУВЧИ** Бирор иш-ҳаракат, фаолиятни, мас., ўқишни тугаллаш ирафасида турган. *Битирувчи курс.*

**БИТИШМОҚ** Сулҳга, муросага келмоқ, ярашмоқ.

**БИЧИМ** Шакл, ўлчам. *Китоб бичими 84 x 108 булган қозоғга бо-  
лиши.*

**БЛАНК, бланка** [фр. blanc – оқ] Графалари тўлдирилмаган, фақат шрифт реквизитлар (ҳужжатларнинг зарурий белгилари)гина акс эттириш, очик, бўш қолган ўринлари керакли вақтда тўлдириш учун мўлжаллаб босмаҳонада нашр этилган тайёр варақа, иш юритиш қўғоқлари. *Хатлар бланкаси. Телеграмма бланкаси.*

**БОЖ** [ф. “бож” – ўлпон, бож, солиқ] **1 тар. эск.** Урта асрларда Шарк мамлакатларида савдогарлар, ҳунармандлар ва бошқалардан олинадиган солиқ.

**2** Чегдан келтирилган мол учун олинадиган, расмий равишда белгиланган ҳақ. *Бож тўламоқ*

**БОЖГИР** [ф. “божгир” – бож олувчи, солиқ тўловчи] *тар.* Бож олувчи, йиғувчи; бож ундириш лавозимига эга шахс; божхона ходими; божмон.

**БОЖМОН** [ф. “божмон” – божхона ходими] *тар. айн. божгир.*

**БОЖХОНА** [бож + хона] Бож олинадиган жой, идора, пост.

**БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ** Чегара орқали ўтадиган юк (экспорт товарлари, кишиларга тегишли юклар, қўлдаги анжомлар, валюта, қимматбаҳо буюмлар)лар ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилади-ган, миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириладиган ҳужжат.

**БОЖХОНА ТАРИФИ** Давлат чегараси орқали ўтадиган товарлардан ундириладиган бож ставкалари мажмуи.

**БОЗОР** Сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айирбошлаш муносабатлари. *Жаҳон бозори. Ташқи бозор. Ички бозор. Бозор ислохотлари.*

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ** Товар-пул муносабатларига асосланган, турли мулкчиликка ҳамда иқтисодий эркинликка таянган ва рақобат асосида тартибга солиб туриладиган демократик иқтисодиёт.

**БОНУС** [лот. bonus – яхши, марҳаматли] **БҚ** Турли хил муносабат билан қўшимча ҳақ (мукофот, қўшимча дивиденд ва б.) тўлаш.

**БОСМА ТАБОҚ** Нашрнинг ҳақиқий (амалдаги) ҳажм ўлчов бирлиги бўлиб, бичими 60 x 90 см булган қоғоз варағининг бир томонидаги нусхани ташкил этади.

**БОСҚИЧ** Узаро боғланган қуйи ва юқори идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. нинг ҳар бир поғонаси, ҳалқаси; инстанция. *Биринчи босқич суд. Биринчи босқич мактаб.*

**БОШ** Мансаб жиҳатдан катта, юқори турувчи, асосий. *Бош врач. Бош агроном.*

**БОШ БОШҚАРМА** Давлат бошқаруви тизимида бирор йирик тармоқ ёки хўжалик соҳасида юқори (олий) ёки ўрта бўғиндаги идора, ташкилот.

**БОШ БУХГАЛТЕР** Барча ҳисоб-китоб ишларини бошқарувчи; бухгалтерлар раҳбари.

**БОШ ДИРЕКТОР** Мансаб жиҳатдан юқори турувчи директор.

**БОШБОШДОҚ** Ҳеч кимга ва ҳеч қандай қонун-қоидага, тартиб-интизомга буйсунмайдиган; ўзбошимча, тартибсиз, бебош.

**БОШБОШДОҚЛИК** Ҳеч қандай тартиб-интизом бўлмаган, ҳар қандай қонунга иш тутадиган бир ҳол; ўзбошимчалик, бебошлик; анархизм.

**БОШЛИК** Идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. га раҳбарлик қилувчи шахс; раҳбир.

**БОШҚАРМА** Давлат бошқаруви тизимида бирор йирик тармоқ ёки хўжалик соҳасида юқори (олий) ёки ўрта бўғиндаги идора, ташкилот. *Ободонлаштириш бошқармаси. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси.*

**БОШҚАРМА БОШЛИҒИ** Бошқарма раҳбари.

**БОШҚАРМОҚ** Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. ишини идора қилмоқ, йўлга солиб турмоқ. *Заводни бошқармоқ.*

**БОШҚАРУВЧИ** Бошқарма ва умуман корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. бошлиғи, раҳбари.

**БОҚИМОНДА** [а. “боқи” – давомли, абадий + ф. “монда” – қолган, қолганда қолган] 1 Қолдик қарз, ундирилмаган, тўланмай қолган солиқ ва ш. к. 2 Ёки, аввалдан йиғилиб қолган.

**БРИФИНГ** [ингл. briefing – йўл-йўриқ < brief – қисқа; қисқача хулоса] Расмий шахсларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан расмий нуқтаи назар билдириш ёки расмий хулосаларни қисқача билдириш мақсадидаги учрашуви.

**БРОКЕР** [ингл. broker – ўртада туриб воситачилик қилувчи, далолатчи, маклер] Товар, валюта, савдо биржаларида олди-сотди битимлари қилишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма.

**БРОНЬ** [нем.] Махсус ажратилган ёки имтиёз берилган нарсалардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат. *Билетни бронь қилмоқ.*

**БУЙРУҚ** Ташкилот, муассаса, корхона, ҳарбий қисм ва ш.к. бошлиғи, раҳбарининг уз тасарруфидаги ташкилот, муассаса, корхона буйича чиқарадиган расмий фармойиши, амри ва шундай фармойиш матни ёзилган қоғоз; расмий ҳужжат. *Директор буйруғи. Олий Бош Қўмондон буйруғи. Ишга тайинлаш ҳақидаги буйруқ. Буйруқ билан расмийлаштирмоқ.*

**БУЙРУҚБОЗ** Буйруқбозликни, буйруқ беришни яхши кўрадиган одам.

**БУЙРУҚБОЗЛИК** Булар-булмасга, ўринли-ўринсиз буйруқ беравериш, ҳамма ишни фақат буйруқ бериш йўли билан олиб бориш.

**БУЙРУҚЛАР ДАФТАРИ** Муассасада буйруқлар қайд этиб бориладиган махсус дафтар.

**БУЙРУҚНОМА** Буйруқ матни ёзилган қоғоз, ҳужжат.

**БУРОМАД** [ф. “буромад” – чиқиш; харажат, чиқим] Чиқим; сарф харажат; *зид. даромад. Даромадга қараб буромад.* Мақол.

**БУХГАЛТЕР** [нем. Buch – китоб + halter – олиб юривчи, тутиб турувчи] *айн. ҳисобчи.*

**БУХГАЛТЕРИЯ** Идора, муассаса, корхона ва ш. к. нинг барча молиявий, ҳисоб-китоб ишларини олиб боровчи бўлими ва у жойлашган хона; ҳисобхона. *Бухгалтерия ходимлари. Институт бухгалтерияси.*

**БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ** Бухгалтерия ҳисоботини аниқ ҳисобот санасида яқунловчи, маблағларнинг сарфланиши, манбаи ва мақсадини таърифловчи, жамловчи, умумлаштирилган жадвалда пул ҳисобида акс эттирувчи ҳужжат.

**БУЮРТМА 1 от** Бир нарса ясаб, тайёрлаб, ишлаб бериш ҳақидаги топширик, талаб. *Буюртма бермоқ. Буюртмалар қабул қилмоқ.*

**2 сфт.** Топширик асосида тайёрланадиган; буюртирилган. *Буюртма туфли.*

**БУЮРТМАНОМА** Бирор нарсани ясаб, тайёрлаб ёки ишлаб бериш ҳақидаги талаб (таклиф, илтимос) ёзилган расмий ҳужжат, хат.

**БУЮРТМАЧИ** Буюртма берган шахс ёки ташкилот.

**БЮДЖЕТ** [ингл. budget – ҳамён, маблағ] *иқт.* Муайян вақт (йил, йиллик вақт) учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ва қонуний тарзда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси. *Бюджет йили. Бюджет тизими. Давлат бюджети.*

**БЮДЖЕТ ЙИЛИ** Қонуний равишда тасдиқланган давлат бюджетининг режиссининг бажарилиши белгиланган муайян давр, муддат (тулик бир йилни ўз ичига олади).

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ** Аксарият ёки бутунлай давлат ёки маҳаллий бюджет воситаларидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар.

**БЮДЖЕТ ТИЗИМИ** Давлат, маъмурий ҳудуд, баъзи (мустақил бюджетли) муассасалар бюджетларининг иқтисодий муносабатлар ва кўриқли меъёрларга асосланган мажмуи.

**БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР** Давлатнинг давлат бюджетига киритмайдиган ва аниқ мақсадларга мўлжалланган пул маблағлари.

**БЮЛЛЕТЕНЬ** [фр. bulletin < итал. bulletino – кичик хат, варақа] 1 Бирор муассасанинг вақт-вақти билан чиқариб туриладиган босма наشري номи; ахборотнома. *Олий аттестация комиссиясининг бюллетени.*

2 Иқтимоий аҳамиятга эга бўлган бирор муҳим воқеанинг бориши ҳақида ёллон қилиб туриладиган ахборот. *Валюталар курси ҳақидаги бюллетень.*

3 Миялум шаклдаги сайлов (овоз бериш) варақаси. *Сайлов бюллетени. Бюллетенни сайлов қутисига ташламоқ.*

4 *с. т.* Касаллик туфайли ишчи ёки хизматчининг меҳнатга вақтинча қарқисининг ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан бериладиган ҳужжат, касаллик варақаси. *Бюллетень олмоқ. Бюллетень буйича пул тушмоқ.*

**БЮРО** [фр. bureau – девонхона, идора; ёзув столи] Баъзи бир муассаса, ташкилот ёки улардаги бўлимлар номи. *Маълумотномалар бюроси. Конструкторлик бюроси.*

**БҮЙСУНМОҚ** Қарамоғида, раҳбарлиги остида булмоқ; итоат қилмоқ. *Юқори идораларга бўйсунмоқ.*

**БҮЛИМ** Идора ва турли ишхоналарнинг маълум иш билан шуғулланадиган ҳар бир қисми; муайян идорага қарашли қуйи идора, шўъба. *Вазирликнинг кадрлар бўлими. Институтнинг бўлимлари. Шаҳар молия бўлими.*

**БҮНАК 1 тар.** Бирор иш юзасидан иш берувчиларнинг иш бажарувчиларга олдиндан берадиган қарзи.

**2 бух.** Маош ҳисобидан ой охирида ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул; аванс.

**БҮНАҚДОР** Бунак олган, бунак олиб қарздор бўлган шахс; дебитор

**БҮНАКЧИ тар. 1** Бунак бериб, одам ишлатувчи шахс.

**2** Бунак олган шахс, қарздор.

**БҮШ 1** Банд бўлмаган, ишғол этилмаган, бекор. *Буш урин. Буш ер.*

**2** Иш билан банд бўлмаган, ишдан холи; бекор, беиш, ишсиз. *Буш кун. Буш вақт.*

**БҮШ ҲРИН** Банд бўлмаган иш ўрни; вакант ўрин.

**БҮШАМОҚ** Ишдан, амалдан, мансабдан кутулмоқ, озод бўлмоқ.

**БҮШАТМОҚ** Ишдан, вазифасидан озод қилмоқ; рухсат бермоқ. *Ишдан бўшатмоқ. Лавозимидан бўшатмоқ.*

## В

**ВАЗИР** [а. “вазир” – вазир, министр] Мамлакатда муайян тармок фаолиятини бошқарувчи шахс. *Созлиқни сақлаш вазири. Молия вазири. Халқ таълими вазири.*

**НАШРИЛАР МАҲКАМАСИ** Баъзи мамлакатлар, жумладан  
Ўзбекистонда, ҳукуматнинг номи.

**НАШРИИК** Ўзбекистон Республикасида давлатнинг марказий  
нашарловчи органи, давлат маҳкамасининг муҳим қисми.

**НАЗИФА** [а. “назифа” – амал, лавозим; хизмат, топширик; иш ҳақи]  
1 Ўзғариш учун берилган, топширилган иш; топширик.  
2 Ҳомият лавозими, мансаб, амал доирасида бажариладиган ишлар  
маммури *Директорлик вазифаси.*

**ВАКАНСИЯ** [лот. vacans – кераксиз, ортиқча; бўш, эгалланмаган]  
1 Иш ўрни, бунд қилинмаган лавозим (идора, муассаса ва ш. к.). *Вакан-  
сия билан.* *Вакансияни эгалламоқ.*

**ВАКАНТ** [лот. vacantis – бўш, эгалланмаган] Ҳеч ким эгаллама-  
ган, бўш (идора, муассаса ва ш. к. штатидаги лавозим, хизмат ўрни  
ўринида)

**ВАКИЛ** [а. “вакил” – ишончли, ваколатли шахс] 1 Бирор киши, му-  
ассаса, ташкилот ва ш. к. номидан иш кўришга ваколати булган, унинг  
манфаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс.

2 Бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг  
номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи лавозимли  
киши, элчи *Дипломатик вакил. Мухтор вакил.*

3 Бирор соҳа, ижтимоий гуруҳ, жамият ва ш. к. га мансуб киши; на-  
саванда *Соҳа вакили.*

**ВАКИЛЛИК** Бирор шахс (вакил)нинг иккинчи шахс (ваколат берув-  
чи) номидан ишонч қоғози ёки маъмурий ҳужжатга асосан қиладиган  
қонун ҳаракатлари.

**ВАКОЛАТ** [а. “ваколат” – вакиллик; ҳуқуқдорлик] Бирор шахс, му-  
ассаса, ташкилот, давлат ва ш. к. номидан иш қилиш учун берилган  
ҳуқуқ – вакиллик ҳуқуқи. *Кенг ваколат.*

**ВАКОЛАТ МУҲЛАТИ** Бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва  
ш. к. номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи амал  
қилиши мuddат.



**ВАКОЛАТНОМА** Ташкилот ва фуқароларнинг вакиллик қилиши учун берилган ёзма ҳужжат; ишончнома, ишонч қоғози. *Яна қ. ишонч нома.*

**ВАКОЛАТХОНА** Бирор давлат томонидан узга мамлакатда таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса.

**ВАЛЮТА** [*итал.* valuta – қиймат, баҳо < *лот.* valere – кучли бўлмоқ, қадрланмоқ, баҳоланмоқ] 1 Муайян давлатнинг пул бирлиги (сум, танга, доллар ва бошқалар).

2 Пул тизимининг тури (олтин, кумуш ёки қоғоз валюта).

3 Хорижий давлатларнинг пуллари, халқаро ҳисоб-китобларда қўлланадиган хорижий пул бирлигидаги кредит ва тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар ва ҳ.к.).

**ВАЛЮТА БОЗОРИ** Чет эл валюталари ва чет эл валюталари ҳисобидаги тўлов ҳужжатларининг олди-сотдиси буйича барқарор иқтисодий ва ташкилий муносабатлар тизими.

**ВАЛЮТА КУРСИ** Мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси, қиймати.

**ВАЛЮТА ТИЗИМИ** Валюта ҳаракати билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тизими.

**ВАРАҚА** [*а.* “варақа” – барг, япроқ; қоғоз, ҳужжат] 1 Муҳим битта гап, матн босилган ва оммага тарқатиш учун мўлжалланган қоғоз; ижтимоий-сиёсий ташвиқот воситаларидан бири. *Ташвиқот варақаси.*

2 Маълум бир нарсалар ҳақида маълумот ёзиш учун белгиланган расмий қоғоз, бланка. *Касаллик варақаси. Муқофот варақаси.*

**ВАСИЙ** [*а.* “васий” – ҳомий; васиятни бажарувчи] Вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик қилишни ва уларга мерос қолган мол-мулкка (болалар вояга етгунча) қараб туришни ўз устига олган (васия қилинган) шахс; маънавий ота.

**ВАСИЙЛИК** Вояга етмаган болаларнинг, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши. *Васийлик мажбуриятлари.*

**ВАСИЯТ** [а. “васият” – улим олдидан айтиб қолдириладиган гап-сўз, улим олдидаги охирги сўз] Мархумнинг ўз яқинларига айтиб ёки қолдириш тоқшириғи, истағи, насиҳати.

**ВАСИЯТ ҚИЛУВЧИ** Ўзига тегишли мол-мулки ёки бу мол-мулкка бағлан ҳуқуқи, у нафот этган тақдирда, қандай тасарруф этилишига хоҳиш-иродасини ифодаловчи шахс, васиятчи.

**ВАСИЯТНОМА** [васият + нома] Ёзма васият; муайян шахснинг (васиятчининг), у нафот қилган тақдирда, ўзига қарашли бўлган мол-мулкнинг тасарруф этилиши буйича хоҳиш-иродаси баён қилинган ҳужжат. *Васиятнома қолдирмоқ.*

**ВАСИҚА** [а. “васиқа” – ҳужжат, шаҳодат] 1 Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида (жумладан, Туркистонда) ер-мулк олди-сотдиси тўғрисида ушбу наом расмий ҳужжат.

2 Шахсий гувоҳнома, ҳужжат.

3 *Маъно* Ҳужжат, далил ўрнидаги нарса.

**ВАФОТ ЭТГАН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ** Қонунда белгиланган вақт мобайнида фуқаронинг қаерда турганлиғи ҳақида доимий яшаш ўрнида ҳеч қандай маълумот бўлмаган тақдирда унинг суд томонидан вафот этган, деб тан олинishi.

**ВАҚТБАЙ ИШ ҲАҚИ** Вақтга қараб туланадиган, белгиланадиган иш.

**ВАҚТИНЧА ВАЗИФАСИНИ БАЖАРМОҚ** Масъул лавозимни вақт давомида бажариб туриш ваколатини олиш.

**ВАҚТИНЧАЛИК ИШ** Доимий бўлмаган, маълум вақт давомида қилинадиган, амалиёти маълум вақт билан чегараланган иш.

**ВАҚТИНЧА МЕХНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК** Ходимнинг вақтинчалик ишга қобилиятининг туфайли нисбатан қисқа муддат давомида ишни бажариш имконияти.

**ВАҚФ** [а. “вақф” – хайрия мақсадларида васият қилинган мулк, диний мулк] *тар.* Мулкдор шахслар ёки давлат томонидан диний му-

ассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриш, аммо узини сотмаслик шарт билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк (ер-сув, мактаб, шифохона, уй-жой, дукон ва ш. к).

**ВАҚФНОМА** [вақф + нома] *тар.* Ер-сув, хўжалик бинолари ва д. ромад келтирадиган бошқа мулкларни диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун диний муассасалар ҳамда айрим рухонийлар тасарруфини ихтиёрий суратда ўтказганлик туғрисидаги ҳужжат.

**ВЕДОМОСТЬ** [*р.* ведомый – “таниш, таникли” сузидан] 1 Бирор турдаги маълумотлар йиғиндиси; кайднома. *Мас., иш ҳақи ведомости*  
2 *эск.* Ахборот, ахборотнома (баъзи даврий нашрларнинг номи).

**ВЕКСЕЛЬ** [*нем.* Wechsel – узгариш; алмаштириш] Қонун билан қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти: қарз олувчи томонидан кредиторга берилиб, кредиторга белгиланган муддатдан сўнги қарздордан векселда кўрсатилган пул суммасини тулашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

**ВЕРБАЛ НОТА** [*лот.* verbalis – оғзаки] Ҳукуматларга муҳим давлат аҳамиятига молик масалалар ва суровлар юзасидан маълумот бериш, элчихона ва ваколатхоналардаги узгаришлар юзасидан хабар бериш, виза бериш ёки унинг муддатини чўзиш, бирор жойга делегация жўнатиш каби турли масалалар ёритилган, ташқи ишлар вазирликлари, элчихоналар, ваколатхоналар томонидан давлатлараро ташқи алоқаларда қўлланувчи, оғзаки аризага тенглаштириладиган имзоси ёзма ҳужжат.

**ВЕРДИКТ** [*лот.* vere dictum – тўғри айтилган] Суд маслаҳатчиларининг судланувчини айбдор ёки айбдор эмас деб чиқарган қарори.

**ВЕТО** [*лот.* veto – рухсат бермайман, ман қиламан] *ҳуқ.* 1 Ривожланган давлатларда биронта орган, ташкилот қонуни ёки қарорининг кучга киришини тўхтатиш ёки кучга киришига йўл қўймаслик ҳуқуқи  
2 Бирор қарорнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи бирдамликнинг йўқлиги.

**ВЗНОС** [*р.* “взносить”, “внести” сузидан – тулаш, тулов] *қ.* Бадал  
*Аъзолик взноси.*

**ВИГОВОР** [р. “выговорить” сўзидан – танбех бериш] қ. хайфсан.  
виговор бермоқ Виговор эълон қилмоқ.

**ВИЗА** [лот. visum – кўрилган] 1 Бирор хорижий мамлакатга бо-  
ши учди яшаш ва унинг ҳудудидан ўтиш учун тегишли маъмурий  
ҳужжатлар томонидан паспортга қўйиладиган махсус рухсат белгиси.  
2 Мансабдор шахс томонидан бирор ҳужжатга унинг тўғрилигини  
таъкидлаб қўйиладиган ёки унга ҳуқуқий куч берувчи имзо, белги.

**ВИЗИТ** [фр. visite – ташриф < лот. visere – кўрмоқ; ташриф  
қилмоқ] Расмий суратда бирор элда, бирор шахс ҳузурда қисқа фур-  
қат бўлиш, ташриф буюриш, ташриф.

**ВИЗИТКА** [«р. “визитная карточка” (ташриф варақаси) бирикма-  
ган] Расмий мансабдор шахснинг исми, фамилияси, унвони, турар  
оқиб кўрсатишган, шу шахс томонидан бирон-бир ташриф, учрашув,  
таълимий ишгида бошқаларга бериладиган кичикроқ қалин варақча;  
ташриф қоғози.

**ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНА** [ингл. virtual – ҳақиқий, чин, далилга  
эришилган] Мурожаат қилиш, халқ билан мулоқот қилишнинг электрон  
шакли.

**ВОРИС** [а. “ворис” – меросхўр, мерос қилиб олувчи] Мерос олиш  
қўқниши билан бўлган шахс, мерос эгаси, меросхўр.

**ВОРИСЛИК** Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи) ҳуқуқ ва маж-  
буриятларнинг уз меросхурларига ўтиши.

**ВОСИТА** [а. “восита” – чора, тадбир, усул; ўрта, ўртадаги] Бирор  
мақсадни эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб  
қолган қилидиган нарса, қурол. *Ахборот воситалари. Техника восита-  
лари. Транспорт воситалари. Ишлаб чиқариш воситалари.*

**ВОСИТАЧИ** Бирор ишнинг амалга оширилишида восита ролини  
оинчи кимса ёки нарса; айн. даллол.

**ГАРОВ** [ф. “гаров” – кафолат] 1 Ваъданинг бажарилишига ишонтириш учун қолдириладиган омонат нарса.

2 Бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида бахslashувчи икки киши (томон) уртасидаги шарт.

**ГАРОВГА ҚЎЙИБ ПУЛ ОЛИШ** Қарз олувчининг қайтариб бериш кафолати учун бирор нарса, мулкни бериб пул олиш.

**ГАРОВХОНА** Аҳолидан нарсаларни гаровга олиб, қарз берадиган жой, муассаса; ломбард.

**ГЕРБ** [пол. herb < нем. Erbe – мерос] Давлат, шаҳар, табақа, уруғ ва ш. к. нинг байроқ, пул, муҳр кабиларда тасвирланган алоҳида фарқли белгиси. *Ўзбекистоннинг давлат герби.*

**ГЕРБЛИ МУҲР** Давлат герби тасвири бўлган юмалоқ шаклдаги муҳр.

**ГОНОРАР** [юн. honorarium – хизмат ҳақи, мукофот] Ёзувчилар, рассомлар, олимлар ва ш. к. га шартнома бўйича бажарилган иши учун туланадиган пул; қалам ҳақи. *Гонорар олмоқ. Муаллифлик гонорари.*

**ГРАНТ** [ингл. grant – ҳадя; кўмак, ёрдам; стипендия] Бирор илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш учун ёки бошқа мақсадларда айрим шахслар, жамоалар, ташкилотларга бериладиган мақсадли урин ёки пул маблағи. *«Умид» гранти.*

**ГРАФА** [юн. graphē – чизиқ] 1 Жадвалларда тик чизиклар орасидаги, турли маълумотлар ёзиладиган устун, оралик. *Жадвалнинг биринчи графаси.*

2 Матн, қонун ва ш. к. нинг бир банди, бўлими.

**ГРАФИК** [юн. graphikos – чизилган] Бирор-бир ишнинг ҳажми, бажарилиш муддатлари аниқ белгилаб тузилган режа. *Кунлик экиш графиги.*

**ГРАФОЛОГИЯ** [юн. grapho – ёзаман + logos – таълимот] Дастхатларни, улар воситасида эса ёзган кишининг хислатлари ва руҳий ҳолатини урганадиган фан.

**ГРИФ** [фр. griffe] Бирор кимса имзоси, ташкилот, муассаса ва ш. к. томонидан берилган муҳр, штемпель ва уларнинг ҳужжат устига босилган ушбу шаклда «Гриф» навириётининг грифи.

**ГУВОҲ** [ф. “гувоҳ” – шоҳид] 1 Булиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ёддан ёки қурган ёки уларнинг ҳақиқатан ҳам бўлганлигини тасдиқлаш учун шу иш булган жойга махсус чакирилган киши; шоҳид.

2 *Дарс.* Суд ёки терговдаги иш юзасидан ўз билганларини айтиб бериш учун судга чакирилган киши. *Судга гувоҳларни чақирмоқ.*

**ГУВОҲЛИК** 1 Шоҳидлик, кўрган ёки билганлик; гувоҳ бўлишлик.

2 *Дарс.* Гувоҳ томонидан берилган маълумот, гувоҳнинг айтганлари. *Гувоҳлик бермоқ.*

**ГУВОҲНОМА** [ф. “гувоҳ + нома” – ёзма гувоҳлик; гувоҳнома] Муайян шаклда тугилиш, хизмат ва бошқа ҳолатларини, шунингдек, бирор нарса (масалан, тафтиш ўтказишга) ваколатини кўрсатувчи ҳужжат. *Гувоҳнома ҳақида гувоҳнома. Талабалик гувоҳномаси.*

**ГУРУҲ** 1 Мақсад, маслак, фаолият ва ш. к. лар умумийлиги асосида шаклланишган расмий ёки норасмий жамоа. *Тегишсиз гуруҳлар гуруҳи.*

2 *Дарс.* Мингулот ўтказиш мақсадида бирлаштирилган кишилар, ташкилотлар бўлинимаси, тўпи. *Ҳуқуқий билимларни ўрганувчилар гуруҳи.*

3 Табақа, топфа; даража. *Иккинчи гуруҳ ногирони.*

## Д

**КООРДАЦИЯ** [лат. cooptatio – қўшимча сайланиш, қўшимча сайлов] Сайлов қўшилидиган органлар таркибига, қўшимча сайловлар қўшилиб туриб, янги аъзолар ёки номзодлар киритиш.

**КООРДИНАЦИЯ** [лат. coordinate – узаро келишув < со – билан, ordinatio – тартибга солиш; жойлаштириш] Иш, фаолият ва ш. к. бир-бирини мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш. *Координация қўраш.*

**КОРРАЦИЯ** [лат. coria – бойлик; қўплик, миқдор; захира] Аниқ нусха, қўрашнинг аниқ, айти такорланган акси, тасвири.

**КОРРОПАЦИЯ** [лат. corporatio – бирлашма, ҳамжамият] 1 Касб-ҳунарни манфаатлари умумийлиги асосида бирлашган кишиларнинг жамияти, иттифоқи.  
2 Бир иктисодиети ривожланган мамлакатларда (мас., АҚШ, Канада) иккидорлик жамияти шакли.

**КОРРЕКТОР** [лат. corrector – тузатувчи] Корректурга ўқиш ва тузатишни бажарувчи босмахона ёки нашриёт ходими; мусахҳих.

**КОРРУПЦИЯ** [лат. corruptio – бузиш, йулдан оздириш; сотиб олиш] Бир шахсларнинг узларига ишониб топширилган ҳуқуқлари ва мансабидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш (бузуқчилик, порахўрлик, мансабни суийестемол қилиш ва бошқа шунга оид ҳаракатларни уз ичига олади). *Коррупцияга қарши кураш.*

**КОРХОНА** [ф. “корхона” – ишхона] Юридик шахс ҳуқуқи билан таъин қилинган мустақил ҳужалик юритувчи субъект. *Давлат корхоналари. Савдо корхонаси. Хусусий корхона. Саноат корхоналари.*

**КОТИБ** [а. “котиб” – (хат) ёзувчи, (китоб) кўчирувчи] 1 Идора ва муассасаларда, лавозимли кишилар, ёзувчилар ва ш. к. шахслар ҳузуринда ёзув-чизув ишлари ва ёзишмаларни олиб боровчи ходим, шахс.

2 Идора, муассаса ва ш. к. лар котибиятига раҳбарлик қилувчи, котибият ишларига масъул ходим. *Фанлар академиясининг бош илмий котиби. Институтнинг илмий котиби.*

3 Махсус кенгаш, йиғинларнинг баённома ва ш. к. ёзув-чизув ишларини олиб боровчи шахс. *Диссертация ҳимоялари буйича илмий кенгаш котиби. Мажлис котиби.*

**КОТИБА** Котиб аёл.

**КОТИБИЯТ** Муассаса ва ташкилотларда, анжуман ва ш. к. кўчма йиғинларда жорий ишларга раҳбарлик қилувчи ёки ташкилий-техник вазифаларни бажарувчи, сайлаб қўйилган орган ёки маъмурий бўлинма. *Вазирлар Маҳкамаси котибияти.*

**КОЭФФИЦИЕНТ** [лот. coefficientis – ёрдам берувчи] Қанча энгизилган фойдали ишга айланишини курсатадиган миқдор.

**КРЕДИТ** [лот. credit – у ишонади] бухг. Кирим-чиқим дафтари бўлиб келадиган чикимлар, унадиган пуллар ёзиладиган ўнг томони; зид. дебитит

**КРЕДИТ** [лот. creditum – қарз < credere – ишонмоқ] Пул маблағларнинг товар ва хизматларни келишилган устама тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатларга қарзга бериш.

**КРЕДИТ БИЛЕТЛАРИ** Кредит муомалаларида олтин ёки қўнғин пуллар ўрнида ишлатиладиган тўлов воситалари (банкнот, чек, вексел ва ш. к.)

**КРЕДИТ КАРТОЧКАСИ** аин. пластик карточка.

**КРЕДИТОР** [лот. creditor – қарз берувчи] Мол ёки пулни насийлаб қарзга берган муассаса ёки шахс; зид. дебититор.

**К С Е Р О К О П И Я** [ксерокс + копия] Ксерокс ёрдамида олинадиган тасвир, нусха.

**К С Е Р О Г Р А Ф И К** [лат. xeros – қуруқ; хўл бўлмаган] 1 Ксерографик электро-аппарат. 2 Шу аппарат ёрдамида олинган тасвир, нусха; ксерокопия.

**К У Я Л Д А Р Т И Б И** Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларнинг тартиби.

**К У Я Л Д А Ш И К** Ҳодисалар, кузатишлар ва ш. к. ёзиб бориладиган кўрсаткичлар. *Экспедиция кундалиги.*

**К У Я Л Д И Ш** [фр. coupon < couper – қирқмоқ, кесиб олмоқ] Қимматбаҳо қарзининг фоиз (процент)ини тўлашда кесиб олинадиган қисми, таълим вақтинчи купони.

**К У Р А Т О Р** [лат. curator – ҳомий, тарбиячи] Бирор иш устидан назорат қилиш туриш вазифаси юклатилган, топширилган шахс.

**К У Р С** I [лот. cursus – югуриш, пойга; ҳаракат, йўл, йўналиш < cursus югурмоқ, тез ҳаракат қилмоқ] 1 Маълум соҳалар буйича тутилган, ихтисос берадиган махсус ўқув муассасаси. *Бухгалтерлар курси.*

2 Ўзининг ўрта махсус ўқув муассасаларининг ҳар бир йили, бир курс бўлиши, поғонаси.

**К У Р С** II I Акция, облигация, вексель каби қимматли қоғозлар соҳасидаги харид қилинадиган баҳо; нарх.  
• Бир мамлакат пул бирлиги баҳосининг бошқа мамлакат пул бирлигига нисбатиди.

**К У Р С И В** [лот. cursiva (littera) – тез ёзув] *полигр.* Ёзма ҳарфга баҳо берилган ётиқ босма ҳарф; шундай ҳарфлар билан ёзиш, ажратиш. *Курсив билан ажратмоқ. Курсив ҳарфлар.*

**К У Р С И В** [фр. courtier < лот. curere – югурмоқ; шошилмоқ] 1 Ҳаётнинг турли тоқшириқларни тарқатувчи, дипломатик хат-хабар ва алоқаларнинг ўтказиб бериувчи мансабдор шахс.  
2 Ҳаётнинг турли расмий иш қоғозларини тегишли жойга тарқатувчи, алоқаларнинг бериувчи ходим.

**КЎЗБЎЯМАЧИ** Ўз фойдаси учун маълумотларни, булган воқеа-ҳодисаларни бузиб, ногўри кўрсатувчи, бошқаларни алдовчи, алдоқчи.

**КЎЗБЎЯМАЧИЛИК** Кўзбўямачига хос иш, хатти-ҳаракат.

**КЎЗДА ТУТМОҚ** Мўлжал қилмоқ, назарда тутмоқ.

**КЎРГАЗМА 1** Кўриш, томоша қилиш учун қўйилган нарсаларни шу нарсалар қўйилган жой.

**2** Инсоннинг моддий ва маънавий фаолияти соҳаларидаги ютуқларни оммавий намойиш этиш.

**КЎРСАТКИЧ** Бирор нарсанинг ривожини, даражасини, ишнинг бора-борлигини, бажарилишини ва ш. к. ни билдирувчи белги ёки нарса, натижа. *Худудий ҳужжалиги тараққиётининг кўрсаткичлари. Талабалар имтиҳонлари юқори кўрсаткичларга эришдилар.*

**КЎРСАТМА 1** Идораларда ахборот-методик тусдаги масалаларни шунингдек, буйруқлар, йуриқномалар ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат.

**2** ~~ҳужжат~~ Тергов-суд жараёнларида бирор аҳамиятли ҳолат ҳақида шартнома (гувоҳ ва б.)нинг берган маълумоти; далил. *Гувоҳларнинг кўрсатмалари.*

**КЎЧИРМА** Муайян ҳужжатнинг асосий зарурий қисмларини аниқлаштириб кўчирилган ҳужжат. *Баённомадан кўчирма.*

## Л

**ЛАБОРАНТ** [лот. laborans, laborantis – ишловчи] **1** Лабораторияда ишловчи ёки илмий муассасада илмий-техник ишларни бажарувчи ходим.

**2** Лаборатория машғулоти вақтида профессор ёки ўқитувчи билан керакли асбоб, препарат ва ш. к. ни тайёрлаб берувчи ёрдамчи ходим. *Кимё кафедрасининг лаборанти.*

**ЛАБОРАТОРИЯ** [лот. laboratorium < laborare – ишламоқ] Илмий тадқиқотлар, тажрибалар, амалий машғулотлар ўтказиш учун керакли аппарат ва асбоблар билан жиҳозланган илмий муассаса ёки унинг бўлими ва улар жойлашган бино. *Кимё лабораторияси. Физика лабораторияси.*



**ЛАВОЗИМ** [и "лавозим" – керакли, зарурий нарсалар] Муассаса, ташкилот ва ш. к. да бирор расмий хизматни бажариш билан боғлиқ урин, назифа ўрни; амал, мансаб. *Раислик лавозими. Президентлик лавозими.*

**ЛАВҲА** [и "лавҳа" – ёйиқ нарса, тахта; ёзув тахтаси] эск. Китобни кўйиб ўқиш учун ясалган махсус мослама.

**ЛАВҲА** [и "лавҳа" – тахта; устига бирор нарса ёзилган тахтача; лавҳа] 1 Хотира ёки қисқача тарихий маълумот ёзиб, бирор жойга кўйилган тош ёки металл тахта ва унга ёзилган матн, хат. *Хотира ва хотиракисса урнатилган лавҳа.*

2 Ҳодиса, ҳодиса ва ш. к. ҳақидаги кичик асар ёки парча. *Кино лавҳа. Ҳодиса лавҳа.*

**ЛИЗИНГ** [и *lease, leasing* – ижара; ижара шартномаси; ижарага асосий ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотлари) ва бошқа товарни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун қарзни аста-секин бериш билан узоқ муддатли ижарага бериш ёки олиш. *Лизинг шартномаси.*

**ШАРТНОМАСИ** Асосий ишлаб чиқариш воситалари (асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотлари) ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун аста-секин олиш шarti билан узоқ муддатли ижарага берилган шартномаси.

**ЛИМИТ** [лот. *limes, limitis* – чек, чегара] Бирор нарсанинг чекланган фойдаланиш учун белгиланган чегаравий, чекли миқдор; чегара. *Кредит лимити. Кредит лимити. Лимит белгиламоқ.*

**ЛИЦЕНЗИЯ** [лот. *licentia* – ижозат, рухсат] 1 Амалдаги қонунларга асосланган фиолиятни амалга ошириш (мас., четга мол чиқариш ёки импорт олиб келиш) учун давлат органлари томонидан бериладиган махсус лицензия.

2 Муайян шихсларга мавжуд, расмий тан олинган ихтиро, техноло- гия ва асбоб чиқариш сирлари ва бошқалардан фойдаланиш ҳуқуқини

**ЛИЦЕНЗИЯЛАШ** Лицензия бериш билан боғлиқ бўлган куламли тадбирлар – муайян фаолият тури билан шуғулланиш урнатилган талаб ва шароитларга амал қилган ҳолда (лицензия талари ва шартлари) махсус рухсат олиш.

**ЛОЙИҲА** [а. “лойиҳа” – руйхат; низом, қоида; режа, дастур] Бино, иншоот, машина ва ш. к. ни қуриш ёки тиклаш учун ишланган таяёрланган ҳужжатлар (чизма, ҳисоб-китоб, андоза, нусха ва ш. мажмуи. *Бинонинг лойиҳаси. Лойиҳа тузмоқ.*

2 Қарор, фармон, қонун ва ш. к. ҳужжатларнинг дастлабки ҳолати. *Қарорнинг лойиҳаси.*

**ЛОЙИҲАЛАШ** Мулжалланган объектлар (асбоб ва жиҳозлар, бино ва иншоотлар, турли машина ва аппаратлар, кийим-бош ва меъморлик)нинг янги хил ва намуналарини қуриш ва яратиш учун уларнинг лойиҳаларини тузиш ва чизиш.

**ЛОТЕРЕЯ** [фр. loterie < lot – куръа] 1 Махсус билетлар (лотерея билетлари) сотиш орқали аҳоли маблағларини ихтиёрий равишда йиғиштириш шакли (Йиғилган маблағнинг маълум қисми пулли ёки буюмлар ютуқ сифатида ўйинга киритилади). *Лотерея ўйнамоқ. Пул-буюм лотереяси.*

2 Шу ўйин учун чиқарилган билетнинг узи. *Лотерея сотиб олиш.*

## М

**МАБЛАҒЛАР** [а. “маблағ” – нақдина, гайёр пул; улчам; дароҳад чегара] Бирор нарса яратиш, қуриш, ўтказиш ва ш. к. учун сарфланган, ишлатиладиган маълум миқдордаги пул ва б. нарсалар.

**МАВЗЕ** [а. “мавзе” – жой, ўрин; вазият, мавқе] Шаҳар ва шаҳар атрофидаги аҳоли яшайдиган жойларнинг кичик худуди, маҳалла. *Тошкентнинг Рақат мавзеи.*

**МАВЗУ** [а. “мавзу” – жойлаштирилган; тўқиб чиқарилган; тасвир сюжет] Илмий тадқиқот, бадиий асар, фикр-мулоҳаза юритиш, суҳбат маъруза ва ш.к. учун танлаб олинган объект. *Илмий мақола мавзуси.*

**МАВСУМИЙ ИШ** Маълум мавсумда буладиган, мавсумга оид иш.

**МАГАЗИН** [фр. magasin < а. “махзан” – катта магазин] Турли буюмлар сотиладиган чакана савдо дўкони ва унинг биноси. *Озиқ-овқат магазини. Китоб магазини. Аттюрлик магазини.*

**МАГИСТР** [лот. *magister* – бошлиқ; мураббий, устоз] Университетнинг таълим ташкил этирилган олий укув юртини тугатган, бакалавр даражасига эришган бўлиб, 1–2 йил давомида магистратурада ўқиб, тегишли соҳанинг докторни топширган ва диссертация ҳимоя қилган шахсларга берилган даражаси ва шу даража эгаси.

**МАГИСТРАНТ** [лот. *magistrans, magistrantis* – магистр бўлишга ҳаракат қилган] Магистр даражаси учун имтиҳон топширган, лекин диссертация ҳимоя қилмаган шахс.

**МАГИСТРАТУРА** [лот. *magistratus* – давлат мансаби, амали; мансаб даражаси] Муайян ихтисослик бўйича назарий ва амалий билим берувчи ёқолавирият негизида таълим муддати 2 йил давом этадиган таълим шакли. *Магистратурага кирмоқ.*

**МАЖЛИС** [а. “мажлис” – мақтов кўшиғи; қасида] Тантанали равишда ўқилиб ўқи снесий синф бирлигининг аломати булган тантанали равишда мусикий асар.

**МАЖБУРИЯТ** [а. “мажбурият” – мажбурлик; ноиложлик; бурч] Ўқувчи ва ўқитувчининг бирор ишни бажариш учун берган қатъий вазда.

**МАЖЛИС** [а. “мажлис” – ўтириш жойи; йиғилиш; уюшма, кенгаш] Ўқувчи ва ўқитувчининг ўқи идора аъзоларининг бирор масала муҳокамасига қаратилган йиғилиши ва унинг иштирокчилари. *Очиқ мажлис. Ёпиқ мажлис. Мажлис ўтказмоқ.*

**МАЖЛИС БАЁННОМАСИ** Мажлиснинг бориши, қатнашчилари, иштирокчилари ва улар қабул қилган қарорларни аниқ, сиқик холда таърифловчи расмий ҳужжат.

**МАЖЛИСБОЪ** Мажлис ўтказишни яхши кўрадиган, мажлисбозлик билан берилган одим.

**МАЖЛИСХОНА** Турли йиғилиш, кенгаш ва бошқа тур анжуманларнинг ўтказилиши хона.

**МАЖМУА** [а. “мажмуа” – туплам; туплаш; бир бутун нарса; тур.] Мислун партида тупланган матнлар, маълумот ва ш. к. йиғиндиси; таълим адолатининг мажмуаси.

**МАИШИЙ ХИЗМАТ** [а. “маиший” – ҳаётий, ҳаёт, турмушга оид] Маишатга, тирикчиликка оид хизмат тури.

**МАКЛЕР** [нем. Makler – воситачи, даллол] Фонд, товар ва валюта биржаларида тузиладиган келишувларда даллол; пулли воситачи хизматларини амалга оширувчи ишбилармон; қ. **брокер**.

**МАКТАБ** [а. “мактаб” – ўқиш жойи; ёзув столи; булим, илм] Ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга савод ўргатиб, уни маълумон қилувчи таълим-тарбия муассасаси. *Бошланғич мактаб. Интернат мактаб. Урта мактаб. Болани мактабга бермоқ.*

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ** Мактабгача ёшда болаларнинг ижтимоий тарбия муассасалари.

**МАЛАКА** [а. “малака” – қобилият, истеъдод; хусусият, одат] Касбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган тажриб қўникмалар; маҳорат. *Малака ҳосил қилиш. Малака ошириш.*

**МАЛАКА ДАРАЖАСИ** Муайян касб, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат савияси.

**МАЛАКА КОМИССИЯСИ** Ходимларнинг муайян бир иш тури бажараётгандаги шахсий билимлари ва маҳоратини разряд, категория ёки диплом билан тасдиқловчи гуруҳ.

**МАЛАКА ОШИРИШ** Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш – узлуксиз таълим тизими турларидан бири, хўжалигининг барча соҳасида ишловчи мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг касбий билим ва қўникмаларини янгилаш ҳам чуқурлаштириш жараёни.

**МАЛАКАЛИ** Малакага, тажрибага эга бўлган, катта малака орттирилган. *Малакали кадрлар. Урта малакали ишчи. Юқори малакали мутахассис.*

**МАНДАТ** [лот. mandatum – топшириқ] Бирор шахснинг ваколатидан, муайян фаолият ёки нарсага ҳуқуқини тасдиқловчи расмий ҳужжат. *Депутатлик мандати. Қўлга мандат бермоқ.*

**МАНИЛ** [а. “манзил” – маскан; тураржой; уй, хонадон] Тураржой, хонадон, истиқоматгоҳ.

**МАНИФЕСТ** [лат. manifestum – чақирик, даъват < manifestus – рақиб, рақибидин] 1 Ҳукуматнинг жуда муҳим сиёсий воқеа муносабати билан халққа қилган ёзма мурожаати.

2 Бирор партия ёки ижтимоий ташкилотнинг дастур тарзидаги ёзма ҳужжатини *Пинчлик манифести*.

**МАНСАБ** [а. “мансаб” – иш, амал; аҳвол, ҳолат] Масъул вазифа; ҳолати билан. *Ўз мансабидан фойдаланмоқ. Мансабдан тушмоқ.*

**МАНСАБДОР ШАХС** Давлат органларида, маҳаллий узини ҳисобга олиш органларида ҳокимият вакили вазифаларини доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича амалга оширувчи ёхуд ташкилий-ҳуқуқийлик, маъмурий-ҳужалик вазифаларини бажарувчи шахс.

**МАНСАБПАРАСТ** Мансабга интиладиган, мансабни яхши ҳисоблаган. *Мансабпараст одам.*

**МАНСАБПАРАСТЛИК** Мансабни яхши қуриш, мансабга инти-

**МАНФААТДОРЛИК** Бирор ишдан манфаати бор бўлиш(лик).

**МАОШ** [а. “маош” – турмуш, тирикчилик; тирикчилик учун зарур бўладиган иш ҳақи] Ҳизмат, иш учун муассаса томонидан белгиланадиган берилдиган пул; иш ҳақи, ойлик. *Маош олмоқ. Маош бермоқ. Маош танинчалоқ.*

**МАРКА** [нем. Mark, фин. markka] 1 Почта ҳақи ва бошқа хил давлат маъмури гуланганини курсатувчи, турлича кийматта эга бўлган, бирор тасвир туширилган кичикроқ туртбурчак қоғозча. *Почта марка. Сербия марка. Беш сўмлик марка. Марка йиғмоқ.*

2 Маод, товарга, маҳсулотга унинг тайёрловчисини аниқ курсатиш мақсадида қўйилган фабрика тамғаси, фирма белгиси.

3 Товар, маҳсулотнинг нави, хили. *Пўлатнинг янги маркаси.*

**МАРКЕТИНГ** [ингл. marketing < market – бозор; сотиш, пуллим*о* иқт. 1 Иқтисодиётнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш (талаб ва истеъмол, маҳсулотга нарх белгилаш, уларни тарғиб қилиш, сотиш) билан алоқадор бўлиб келган товарлар ҳажмини кўпайтириш воситалари каби) муаммолар билан шуғулланувчи соҳаси. *Маркетинг курслари. Маркетинг бўйича китоблар кўргазмаси.*

2 Бозор эҳтиёжи талабларидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг янги хил маҳсулотлар ишланмаларини тайёрлаш, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ёки турли хил хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш тизими.

**МАРТАБА** [а. “мартаба” – даража; обрў; мавке, урин] Мансаб, вазифа, даража, амал. *Олий мартаба. Мартабага минмоқ.*

**МАСАЛА** [а. “масала” – сўроқ, савол; муаммо; илтимос] Муҳокима мунозара билан ҳал этилиши лозим бўлган нарса, иш, вазифа, муаммо. *Уй-жой масаласи. Иқтисодий масала. Масалани ҳал қилмоқ.*

**МАСЛАҲАТ ОВОЗИ** Сайлаб кўйиладиган органлар ёки халқнинг ташкилотларнинг ишида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиш.

**МАСЛАҲАТЧИ** Бирор идорада, муассасада ёки бирор лавозим шахс ҳузурда маслаҳат бериш вазифасида ишловчи ходим. *Элчи маслаҳатчиси. Ҳарбий маслаҳатчи. Суд маслаҳатчиси.*

**МАСЪУЛ** [а. “масъул” – жавоб берувчи, жавобгар] Масъул юклатилган, зиммасида жавобгарлиги бўлган; жавобгар. *Масъул бўлдим. Масъул муҳаррир.*

**МАСЪУЛИЯТ** [а. “масъулият” – жавобгарлик, ҳисоб беришлик] Бирор иш, ҳагги-ҳаракат оқибати, нагжаси учун жавобгарлик. *Масъулият юкламоқ. Масъулиятни ўз устига олмоқ.*

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ** Аъзолари жамият мажбуриятлари бўйича фақат ўзлари қўшган улуш доирасида жамиятга ҳисса қўладиган жамият. Унинг иштирокчилари (аъзолари) сони қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрдан ошиб кетмаслиги керак.

**МАСЪУЛИЯТСИЗ** 1 Масъулияти йўқ, масъулият талаб қилмайдиган. *Масъулиятсиз иш.*

**МАСЪУЛИЯТНИ**, жавобгарликни сезмайдиган, ишга масъулият бичармайидиган; бепарво. *Масъулиятсиз киши.*

**МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК** Масъулиятсиз муносабат.

**МАТБУОТ** [а. “матбуот” – босма асарлар, нашрлар] Саноатнинг асарлар чиқарадиган тармоғи; нашриёт ва босмахона ишлари.

**МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ** Давлат, илм-фан, маданият соҳасидаги арбобларнинг кенг оммани қизиқтирувчи масалаларни муҳофизати матбуот ходимлари билан учрашуви, суҳбати.

**МАТН** [а. “матн” – елка; нутқнинг ёзувдаги ифодаси, текст] Хужжатнинг асосий қисми бўлиб, унда асосий фикр лўнда, қисқа иборалар билан асосий ҳақиқатларда жадвал шаклида ифодаланади.

**МАФКУРА** [а. “мафкура” – фикр юргизиш; тафаккур; этиқод ва ҳақорат тиними] Жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. *Мафкура.*

**МАХСУС ИШОНЧНОМА** Муайян давр давомида бир қанча бир вақтда ишбиларни бажариш ваколатини берувчи ишончнома.

**МАХФИЙ** [а. “махфий” – яширин, бекитилган] Ўзгага, бегонага маълум бўлмайдиган, бошқалардан сир тугиладиган; хуфий, яширин. *Махфий сир. Махфий учрашув. Махфий ташиқлот.*

**МАЪЛУМОТ** [а. “маълумот” – ахборот, хабарлар; билим] 1 Ўқиш-оқитишнинг натижасида олинган билим кўникмаларининг ҳажми ва даражаси. *Урта маълумот. Олий маълумот. Сиёсий маълумот.*

2 Хабар, ахборот; далил бўладиган ҳужжат, рақам ва ш. к. матери-

**МАЪЛУМОТНОМА** [маълумот + нома] 1 Фуқароларнинг турмуш ва иш фаолиятига оид воқеа-ҳодиса ва ҳолатларни ақс эттириб ҳақиқат бериладиган ва талаб қилинган жойларга тақдим этиладиган расмий ҳужжат. *Соғлиғи ҳақида маълумотнома. Иш вақтида маълумотнома.*

2 Корхона, муассаса ва ш.к. фаолиятига доир воқеа-ходисалар расмий равишда акс эттирадиган ва тасдиқлайдиган, хилма-хил маълумотларни қамраб олувчи расмий ҳужжат.

3 Бирор соҳа ёки масала бўйича кенгроқ маълумот берадиган кини қўлланма ва ш.к. *Олий ўқув юртларидаги қирувчилар учун кимёдан маълумотнома.*

**МАЪМУР** [а. “маъмур” – топширик, буйруқ олувчи, тобе; ма сабдор, бошлик] Бошқариш ва ижро ҳуқуқига эга булган мансабдор бошлик, бошқарувчи.

**МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК** Фуқаро ёки мансабдор шахсни ҳуқуқни бузганлиги учун давлат (маъмурий орган) олдидаги жиноят булмаган жавобгарлиги.

**МАЪМУРИЙ ЖАЗО** Маъмурий ҳуқуқни бузувчи шахсларга илбатан давлат органи ёки мансабдор шахслар томонидан қўриладиган қи

**МАЪМУРИЯТ** [а. “маъмурият” – амал, мансаб; вазифа, топширик] 1 Бошқарув фаолиятини амалга оширувчи давлат органилари мажмуи

2 Муассаса, ташкилот, корхона ва ш. к. нинг бошқармаси. *Тез маъмурияти.*

3 Бошқарувдаги мансабдор шахслар; муассаса, корхоналардаги раҳбар ходимлар.

**МАЪНАВИЙ ЗАРАР** Номоддий зарар – фуқаронинг шаъни, қи қимматига доғ туширилиши ёки ишбилармонлик обрўсига путур еттирилиши.

**МАЪРУЗА** [а. “маъруза” – ёзма арз, ариза; хабарнома] 1 Бирор мазҳаб зуда қўпчилик олдида айтилган (сўзланган) нутқ.

2 Раҳбар органи ёки бошлиққа берилган ёзма маълумот, ахборот.

**МАЪҚУЛЛАМОҚ** Маъқул деб билмоқ, мақбул топмоқ; қувви қилимоқ.

**МАҚБУЛ** [а. “мақбул” – қабул қилинган, маъқулланган] Қи қабул қилса, маъқулласа бўладиган, маъқул келадиган. *Мақбул гап. Мақбул бўлмоқ.*

**МАҚОМ** [а. “мақом” – вазият, мавқе; урин, жой; даража, мартаба] Мартаба, мавқе. *Олий мақомга эришмоқ.*



**МАҚСАДГА МУВОФИҚ** Мақсадга, талабга жавоб берадиган, мувофиқ, ўринли.

**МАҚТОВ ҚОҒОЗИ** Урнак буларли ишлари, ютуқлари, хулқи учун берилган расмий хужжат.

**МАҚТОВ ЁРЛИҒИ** айн. мақтов қоғози.

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ** Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми.

**МАҲАЛЛИЙ УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ** Давлатнинг айрим қисмларининг амалга ошириш воситаси, фуқароларнинг жойлар-даги ишларида иштирокини таъминлашга асосланган ҳаётнинг бир тури.

**МАҲАЛЛИЙЧИЛИК** Маҳаллий манфаатларнигина кўзлаб иш ту-

**МАҲКАМА** [а. “маҳкама” – олий суд, трибунал; судлов] 1 тар. ҳокимликчи, ҳукм чиқарувчи идора; суд. *Ҳоким маҳкамаси. Полиция*

Маҳкама, бошқарма, идора.

**МАҲКАМАЧИЛИК** Уз маҳкамасининг, идора ёки ташкилотининг қарорини иш кўзлаб иш тутиш.

**МАҲКУМ** [а. “маҳкум” – ҳукм қилинган, қораланган; улиши аниқ бўлган; бундан таъқиб қилинган муайян жиноятни содир этгани учун қўрғондан айбдор деб топилган шахс.

**МАҲР** [а. “маҳр” – сеп; қалин пули] тар. 1 Никоҳ вақтида қуёв то-радан қилинган ажратиладиган доимий ва шахсий мулк. *Маҳр бермоқ.* 2 Шайхоний мулкдан меросхўрларга тегадиган улуш.

**МАҲСУЛОТ** [а. “маҳсулот” – “маҳсул” с.кўпл.] Ишлаб чиқарилган маҳсул (пар). *Ялти маҳсулот. Саноат маҳсулоти.*

**МЕҲНАТ** [а. “меҳнат” – ўлчов, тарози; мувозанат; одиллик] Такқослаш учун ўлчов, андоза. *Меҳнат – киши қадр-қийматининг*

**МЕМОРАНДУМ** [лот. memorandum – эслашга арзийдиган, эсин учун керак бўлган нарса] Давлатларнинг бирор масала юзасидан нуқтаи назарларига мувофиқ қабул қилган қарорлари юзасидан берилган баённомаси; дипломатик ҳужжат.

**МЕНЕЖЕР** [ингл. manager – бошқарувчи] Корхона ва компания эгалари бўлмаган, махсус тайёргарлик қурган малакали ёлланган бошқарувчилар.

**МЕНЕЖМЕНТ** [ингл. management – бошқариш, мудирлик; ташкил этиш] Замоनावий ишлаб чиқаришни бошқариш (режалаш, тартибга солиш, назорат қилиш), шунингдек, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишни ташкил этиш; бошқариш тўғрисидаги фан.

**МЕРОС** [а. “мерос” – ворис(лар)га қоладиган ёки қолган мулк] Мархумдан ворисларга қолган мулк. *Отадан қолган мерос.*

**МЕРОСХУР** [а. + ф. “мерос + -хур” – мерос еювчи; ворис, мерос эгаси] Мерос олишга ҳақи бўлган киши; ворис.

**МЕТОД** [юн. methodos – тадқиқот усули, йули] Табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. *Диалектик метод. Қисқартрилган метод.*

**МЕТОДИК ЁРДАМ** Воқеликни амалий ва назарий эгалламани ўзлаштириш, урганиш, билиш йўл-йўриқлари, усуллари мажмуи, фан сафий билимларни яратиш ва асослаш усулини ургатиш.

**МЕТОДОЛОГИЯ** [метод + юн. logos – таълимот] Умуман, илмий метод ҳақидаги, хусусан, айрим фанларнинг методлари ҳақидаги таълимот. *Тарих методологияси.*

**МЕТРИКА** [пол. metryka < лот. matricula – руйхат] с.т. Туғилганлар ҳақидаги гувоҳнома.

**МЕЪЁР** [а. “меъёр” – ўлчам, асосий ўлчов; андоза] 1 Расмийлаштирилган, умум томонидан қабул қилинган, ҳамма томонидан мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида. *Ҳуқуқ меъёрлари. Ахлоқ меъёрлари.*

2 Бирор нарса, иш ва ш. к. нинг миқдор, даража жиҳатдан талаб, чегра, белгили ўлчами. *Меъёрни билмоқ. Бир меъёрда ишламоқ.*

**МЕЪРИЙ МЕТРИК** Меъриятнинг белгиланган асос-кўрсаткичлари. *Баҳо қўйиш меъ-*

**МЕЪРИЙ ҲУЖЖАТ** Меъёрлар билан белгиланадиган ҳужжат.

**МЕХНАТ** [а. “меҳнат” – синов; машаққат, оғирчилик] Бирор мақсадга қаратилган ақлий ёки жисмоний фаолият; иш. *Ақлий меҳнат. Жисмоний меҳнат. Меҳнат интизоми.*

**МЕХНАТ БИРЖАСИ** Ишга ёллаш ва ёлланишда ишчи ва иш берувчи тоифада воситачилик қилувчи муассаса.

**МЕХНАТ БИТИМИ** Муассасалар билан уларнинг ҳисобида турган ва ёки ҳисобда турса ҳам ўз асосий вазифалари доирасига кирмаган ишчи бажариш мажбуриятини олаётган ходимлар ўртасидаги меҳнат шартномасига асосланган расмийлаштирувчи шартнома тури. *Меҳнат битими раётида ҳақ тулаш.*

**МЕХНАТ ДАФТАРЧАСИ** Ходимнинг меҳнат фаолияти изчил қилиниши, унинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат. <sup>1</sup>

**МЕХНАТ ЖАМОАСИ** Ўз меҳнати билан корхона фаолиятида ишловчи шартномаси асосида иштирок этаётган ходимларнинг барчаси.

**МЕХНАТ ИНТИЗОМИ** Меҳнат жараёнида давлат томонидан белгиланган, барчанинг амал қилиши лозим бўлган умумий тартиб.

**МЕХНАТ КОДЕКСИ** Меҳнат ҳақидаги қонунларнинг муайян тўпламига асосланган мажмуи.

**МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ** Инсоннинг меҳнат жараёнидаги фаолияти, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар.

**МЕХНАТ НИЗОЛАРИ** Амалдаги меҳнат туғрисидаги қонунлар билан меъриий ҳужжатларни татбиқ этиш ёки янги меҳнат шартномаси битилиши ёхуд мавжуд шартларни ўзгартиришга доир масалаларни ҳал қилишга келадиган ва қонунда ўрнатилган тартибда ҳал этиладиган ҳал қилишмовчиликлар.

**МЕҲНАТ СТАЖИ** Ходимнинг белгиланган тартибда ҳисобланган меҳнат фаолияти даври.

**МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ** Меҳнат турларининг бир-биридан ажралиб мустақил аҳамият касб этиши; меҳнат турларининг ихтисослашув

**МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ** Ишлаб чиқариш жараёнида кишининг меҳнатининг фойдалилиги, самарадорлиги ва маҳсулдорлиги.

**МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ** Ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида муавзазига бажариш ҳақидаги келишув.

**МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИ** Ходимнинг соғлигидаги ҳолатидан ажралиб чиқадиган меҳнат фаолиятига, ишлашга бўлган қобилияти.

**МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ** Меҳнат тўғрисидаги қонунлар.

**МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК** Меҳнат қилиш қобилиятининг йўқолиши ёки меҳнатга яроқсизлик.

**МЕҲНАТНИ МЕЪЁРЛАШ** Маълум ташкилий-техник шароитларда муайян иш ҳажмини бажариш ёки маҳсулот бирлигини таъинлаш учун сарфланадиган меҳнат ҳажмини, меҳнат харажатларини белгилаш.

**МИЖОЗ** [а. “мижоз” – рухсат этилган, гувоҳномаси бор] Сотувчига нисбатан доимий харидор ва шу харидорга нисбатан сотувчи. *Мижозингдан айрилгинг келса, насияга мол бер.* Мақол.

**МИЛИЦИЯ** [лот. militia – қўшин] Жамоат тартибини, фуқаро ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий мулкни қўриқиб қолиш ва вазифаларни бажарувчи маъмурий орган; шу органнинг маҳал бўлими, бошқармаси. *Милиция органлари.*

**МИЛЛАТ** [а. “миллат” – халқ; дин, мазҳаб] Кишиларнинг ягона ишда сузлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисо

қилини, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида таълим ташкил топган барқарор бирлиги. *Ўзбек миллиати. Қозоқ миллиати.*

**МИЛОД** [а. “милод” – туғилиш] **1 дин.** Исо пайғамбарнинг туғилган кунини. *Милоддан бурун. Милоддан кейин.*

**2** Милодий йил ҳисоби. *Милоднинг бешинчи асри.*

**МИЛОДИЙ** Милоддан бошланган (йил ҳисоби ҳақида). *Милодий йил.*

**МИРЗА** [а. + ф. “мирзода” < “амирзода” сўзининг қисқарган шакли] **1** сув-чизув ишларини олиб борган лавозимли киши; котиб.

**МИРЗАБОШИ** *тар.* Ўзбек хонликларида (асосан, Қўқон хонлиги-да) миристон (мирзалар) бошлиғи.

**МИРЗАХОНА** [мирза + хона] *тар.* Амир ва хонларнинг саройлари. *Мирзахоналар сув-чизув ишлари олиб борадиган хона, идора.*

**МИТИНГ** [ингл. meeting – йиғин, мажлис, йиғилиш] Бирор муҳим ишнинг қўшунча сиёсий масалаларни муҳокама этишга бағишлаб ўтказилган оммавий йиғин. *Тинчлик тарафдорлари митинги. Новаки митинги.*

**МОДДА** [а. “модда” – қонун ёки шартноманинг бир бўлими] **1** Расмий ҳужжат, мажмуа, қонун ва ш. к. нинг рақам ёки ҳарф билан ажратилган мустақил бўлими. *Қонуннинг биринчи моддаси.*

**2** Бюджет ёки бирор молиявий ҳужжатнинг даромад манбаи ва харажатларини кўрсатувчи бўлими. *Даромад моддалари.*

**МОДДИЙ** Мол ва пулдан иборат. *Моддий бойлик. Моддий жавоб-*

**МОДДИЙ ЁРДАМ** Корхона ва муассасаларнинг – муҳтож ходимларнинг – муҳтож фуқароларга ёки бошқа шахсларга берилган пул шаклида кўрсатадиган ёрдами.

**МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК** Меҳнат ҳуқуқи буйича меҳнат шарт-шароитлари (ходим ва иш берувчи)нинг бир-бирларига етказган таъсир қилишида белгиланган миқдор ва тартибда қоплаш мажбурияти.

**МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ** Маош миқдорини ошириш, иш сий пул мукофотлари, совғалар бериш, ходимлар иш шароитини яхшилаш, соғлиғини сақлаш орқали кишиларнинг ўз меҳнат натижаларини манфаатдорлигини таъминлашга, уларни меҳнатга фаол жалб этиш, иш ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган иқтисодий шаклларни тадбирлар тизими.

**МОЛИЯ** [а. “молия” – пул маблағлари] 1 *иқт.* Мақсадли пул фондаларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан шаклландириладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи; пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, уларни сарф қилиш, ишлатиш тизими. *Молия йили. Молия капитали. Молия тизими.*

2 Бирор шахс, оила, жамоа, муассаса, ташкилот ёки давлат тасир қилишидаги пул маблағлари. *Корхона молияси.*

**МОЛИЯ ЙИЛИ** Давлат бюджети амал қиладиган ёки муносиб хисоботлари муддати ҳисобланадиган 12 ойдан иборат давр. Бундан календарь йил билан мувофиқ келмаслиги мумкин.

**МОЛИЯ ТИЗИМИ** Молияга тааллуқли сиёсий, ташкилий муносабатларни ҳам қамраб оладиган молия амалиёти.

**МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ** Юридик ва жисмоний (алоҳида) шахслардан ундириладиган маҳаллий солиқларнинг бир тури.

**МОНИТОРИНГ** [монитор + -ингл. ing – ҳаракат номи кўшимчи] кузатиш, назорат қилиш] 1 Бирон-бир жараённи унинг кутилган натижа ёки дастлабки тахминга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида тизимий кузатиб бориш.

2 Маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини (мас., кўрсатилган қонуннинг бажарилишини) кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истикболини белгилаш. *Жамоатчилик фикри мониторинги. Атом энергияси мониторинги.*

**МОНОГРАФИЯ** [юн.monos – бир, якка, ягона + grapho – ёзма] Бир мавзу, бир масалани ҳар томонлама ёритишга бағишланган илмий асар. *Ҳамза ижоди ҳақидаги монография.*

**МОРАТОРИЙ** [лот. moratorius – секинлатувчи, муддатни ортиқчи сурувчи] 1 *сиёс.* Муайян мажбуриятларнинг бажарилишини да

**НОМАЪЛУМ** махсус ҳужжатлари воситасида номаълум муддатга бирор бир фавқулудда ҳодиса (уруш, табиий офат ва ш. к.) туга-туга баҳолаштириш, тўхтатиб туриш.

**НОМАЪЛУМ** Мундир ҳаракатларни давлатлараро келишув асосида ёки бир давлат ичра партибда маълум ёки номаълум муддатга тўхтатиш. *Ядро қуролларини синовчи мораторийси.*

**НОЯНА** |ф. “мойна” – ҳар ойдаги; ҳар ойлик (иш ҳақи, нафақа)] с.  
*Бир ойлик мойна. Мойна олмоқ.*

**МУАЛЛИФ** [а. “муаллиф” – яратувчи, ижодкор, автор] Бирор асар, кўрсаткич ва ш.к. ни яратган шахс. *Роман муаллифи. Лойиҳа муаллифи.*

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ** Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратуш, фойдаланиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишда вужудга келадиган ҳуқуқларни тартибга солувчи, асар муаллифига тегишли булган ҳуқуқларни мустаҳкамлаиб қўйилган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлар.

**МУАММО** [а. “муаммо” – жумбоқли, сирли, ғалати; тушунилиши қийин, бошқотирма; кўр, кўр қилинган] Ҳал қилиниши лозим булган ҳаёт, иш, масала, проблема. *Жиддий муаммо.*

**МУАССАСА** [а. “муассаса” – идора, корхона, ташкилот; институт] Давлат, ширкати-сотиқ ишлари ва ш.к. нинг бирор соҳасини бошқарувчи ва таълим, таълим-тарбиявий ишларни олиб борувчи, белгили штат ва маъмуриятга бўлган ташкилот. *Давлат муассасалари. Илмий муассасалар.*

**МУАССИС** [а. “муассис” – асос солувчи, ташкил этувчи] Таъсис қилинган асос солувчи.

**МУВОФИҚ** [а. “мувофиқ” – маъқулловчи, мос келувчи, қулай; мувофиқ] Мос, тўғри келадиган, муносиб, лойик. *Узига мувофиқ иш қилиш. Мувофиқ асосан, кўра. Қонунга мувофиқ. Фармонга мувофиқ. Анъанавга мувофиқ.*

**МУДДАТ** [а. “муддат” – давр, вақт оралиғи, муҳлат] Вақтнинг бирор иш, нарса учун белгиланган бўлаги. *Ўқиш муддати. Хизмат муддати.*

**МУДДАТЛИ** Муддатга эга булган, бирор вақтга, муддат мўлжалланган, вақти, муддати чекланган. *Қисқа муддатли курс. Муддатли қарз.*

**МУДИР** [а. “мудир” – бошқарувчи; идора қилувчи] Муассаса, ташкилот ёки унинг бирор бўлимини ёхуд бирор ишни идора қилувчи бошқарувчи шахс. *Магазин мудури. Кафедра мудури. Ферма мудури.*

**МУЗОКАРА** [а. “музокара” – муҳокама қилиш, суҳбат; анжуман] Шарт-шароит, томонларнинг талаблари ҳақида фикр алмашиш. *Дипломатик музокаралар.*

**МУКОФОТ** [а. “мукофот” – тақдирлаш, тўлов; товон пули] Бирор бир фаолият соҳасидаги алоҳида ютуқлар учун рағбатлантириш пули (қимматли буюм, пул, медаль, орден ва ш. к.). *Олий мукофот. Давлат мукофоти. Пул мукофоти. Мукофот олмақ. Мукофотга таъин этмоқ.*

**МУКОФОТЛАШ** Мукофот бериш, мукофот билан тақдирлаш. *Мукофотлардан билан мукофотлаш.*

**МУЛК** Муайян кишилар эгалигида булган ва улар томонидан ўзлаштирилган моддий ва маънавий неъматлар. *Жамоат мулки. Шайхоний мулк.*

**МУЛК ИЖАРАСИ** Ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш.

**МУЛК ХУҚУҚИ** Мулкнинг конкрет шахсларга тегишлилиги (ўзлаштирилганлиги)ни мустаҳкамловчи, тартибга солувчи мухофаза қилувчи меъёрлар йиғиндиси; фуқаролик ҳуқуқининг асосий тартиботларидан бири.

**МУЛҚДОР** [а. + ф. “мулк + дор” – мулк эгаси] Мулк субъекти бўлиб, мулк объектига эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқий таъини олишлари асосида мустаҳкамланган ҳуқуқларга эга булган жисмоний юридик шахс.

**МУЛКҲИЙ ЗАРАР** Жисмоний ёки юридик шахсга етказилган моддий зарар.



**МУЛКНИ ХАТЛАШ** Мол-мулкни рўйхатга олиш ва уни тасар-  
фдор мундарижга қилиш, зарур ҳолларда эса, мол-  
мулкни фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, уни олиб қўйиш ва сақлашга  
қаратилган.

**МУЛЬТИМЕДИЯ** [ингл. multimedia < лот. multum – анча, куп +  
medium – урта, марказ: воситалар, тадбирлар] Ахборот-инфор-  
мациянинг хилма-хил воситалари (матн, овоз, жонлантирилган  
сурат тасвирлар ва ш.к.)ни қамраб олувчи технология ва шундай  
технологиядан фойдаланувчи дастурлар ва компьютер воситалари.

**МУНДАРИЖА** [а. “мундарижа” – мазмун, маъно; таркиб] Китоб  
ҳужумнинг бошида ёки охирида унинг фасл ва бўлимларини,  
қисмлари билан курсатувчи рўйхат. *Китобнинг мундарижаси.*

**МУНИЦИПАЛИТЕТ** [нем. Munizipalität < лот. municipium –  
қўн бошқарувчи жамоа] Бир қанча мамлакатларда: маҳаллий  
қўн бошқарув органи ва у эгаллаган, жойлашган бино.

**МУНОЗАРА** [а. “мунозара” – баҳс, мубоҳаса, тортишув; назорат]  
қўн қилиб, сиёсий, диний ва ш. к. масалалар юзасидан тортишув;  
қўн мунозара. *Қизгин мунозаралар. Мунозара олиб бормоқ.*

**МУСОЛАБАТ БЕЛГИСИ** айн. резолюция.

**МУНШАОТ** [а. “муншаот” – яратилган, қурилган нарсалар; иншо-  
от] 1 Шарқ шеърлятидаги жанрлардан бири, муаллифнинг  
қўн қилиб ёзилган мактублари тўплами.  
2 Ҳужумнинг.

**МУНШИЙ** [а. “мунший” – асосчи, яратувчи; қурувчи; муаллиф,  
қўн қилиб] тар. Саройда ёзув ишларини олиб борадиган котиб.

**МУОВИН** [а. “муовин” – ёрдамчи] Бошлик ёки раҳбарнинг  
қўн қилиб. *Декан муовини.*

**МУОМЛАЛА** иқт. Меҳнат маҳсулотларини олди-сотди воситасида  
қўн қилиб (товар хужалиги учун хос).

**МУОМАЛАДАГИ ПУЛ** Айни пайтда юриб, ишлатилиб, айланган турган пул.

**МУРАККАБ ҲУЖЖАТЛАР** Икки ёки undan ортиқ масалани ҳал қилиш учун ичига олувчи ҳужжатлар. *Қиёс. содда ҳужжатлар.*

**МУРОЖААТ** [а. “мурожаат” – кўриб чиқиш; таққослаш, солиштириш; бирор нарса сураш; ишни қайта кўриш] Бировга қарата айтилган гап, қилинган даъват, чақирىқ ва ш. к.

**МУРОЖААТНОМА** Ёзма мурожаат, мурожаат хати. *Президиум мурожаатномаси.*

**МУРОСА** [а. “мурозо” – бир-биридан розилик, узаро келиш] Узаро келишувли муносабат; келишув, келишувчилик. *Муроз келмоқ.*

**МУРОСАСОЗЛИК** Умуман, принципсизлик билан ён бери келишувчанлик.

**МУСОДАРА** [а. “мусодара” – мол-мулкни мажбурий равишда қайтариш; қайтариш; қайтариш] Давлатнинг ички ва ташқи ишларида тўлиқ ва қисман мулк ва ш.к. ни пул тўламай, қисман ёки батамом давлат иختисос олиш, умумлаштириш.

**МУСТАСНО** [а. “мустасно” – истисно қилинган] Истисно қилинган, ташқарида умумий қоидадан, одатдаги тартиб, ҳолатдан ташқари.

**МУСТАҚИЛЛИК** Мустақил ҳолат; боғлиқ, қарам бўлмаган ҳолат. Давлатнинг ички ва ташқи ишларида бошқа давлатга қарам бўлмай фақат ўзининг қўли билан иш қилиши. *Миллий мустақиллик. Мустақиллик эълон қилмоқ.*

**МУТАХАССИС** [а. “мутахассис” – бирор соҳада ихтисос олувчи] Бирор соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлган киши, ихтисос эгаси. *Физиология мутахассиси. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари.*

**МУТАХАССИСЛИК** Инсон томонидан ҳаётнинг муайян соҳаси бўйича махсус тайёргарлик йўли билан ҳосил қилинган назарий ва амалий кўникма ва малакалар мажмуи; ихтисослик.

**МУФАССАЛ** [а. “муфассал” – батафсил; мукаммал; тўла] Бутун маълумотни майда-чуйдаси, икир-чикиригача қамраб олган; тўлиқ, батафсил. *Муфассал ҳисобот.*

**МУХБИР** [а. “мухбир” – хабарчи, хабар берувчи; айғоқчи] Журналист таркибида журналист сифатида хизмат қилувчи ходим. *Муҳбирнинг таҳририятда ишламайдиган, аммо оммавий ахборот воситасида мухтазам ижодий ҳамкорлик қилувчи шахс.*

**МУҚОБИЛ** [а. “муқобил” – қарши турувчи, қарши, зид; урнини қарши турувчи] Қарши боровчи, қарши турувчи, зид. *Муқобил томон.*

**МУТАХАССИС** [а. “муҳандис” – инженер, техник; хандаса (географик яхши билувчи, қурувчи уста)] Техниканинг бирор соҳасида яхши маълумотга эга бўлган мутахассис.

**МУҲАРРИР** [а. “муҳаррир” – озод этувчи; таҳрир қилувчи; ёзувчи] *Муҳаррир* ёки бошқа масъул нашрларда муайян матнни турли жиҳатдан тасвирлаб, босмага тайёрловчи ходим. *Масъул муҳаррир. Техник муҳаррир. Бош муҳаррир.*

**МУҲИМ** [а. “муҳим” – керакли, аҳамиятли; жиддий] Алоҳида аҳамияти булган, аҳамият жиҳатдан биринчи даражали. *Муҳим вазифа. Муҳим ши. Муҳим воқеа.*

**МУҲЛАТ** [а. “муҳлат” – муддатни чўзиш, вақтинча тўхтатиш] *Муҳлат* учун тайин қилинган аниқ вақт бўлаги; муддат. *Уч кунлик муҳлат. Муҳлат бермоқ.*

**МУҲОКАМА** [а. “муҳоқама” – судлашиш, даъволашиш; ҳукм қилиш] Бирор хулосага келиш учун кўпчиликнинг фикрини олиш, муҳокама қилиш, ҳар томонлама ўйлашиш. *Масалани муҳоқамага қўймоқ. Муҳоқама қилиш.*

**МУҲР** [а. “муҳр” – муҳр; тамға; шуларнинг изи] 1 Юридик ёки бошқа шаклнинг номи тўлиқ ёзилган матннинг (матн ва расмнинг) аниқ ёки ботиқ тасвири бўлган босма шакл (асбоб) (Қоғоз, сурғуч, қўғирчоқ ва бошқа материалларга нусха тушириш учун хизмат қилади). 2 Давлат герб.

**НАВБАТ** [*а.* “навбат” – қатор, кетма-кетлик] 1 Бирин-кетин сола-буладиган воқеа-ҳодисалар, бажариладиган ишлар тартиби; гал.

2 Қаторда ишғол этилган урин; гал. *Навбат олмоқ. Навбат кутма*

**НАВБАТЧИ** Бирор ишни бошқалар билан навбатлашиб бажарувчи; ўз навбати келганда, шундай ишни бажараётган шахс. *Навбат администратор.*

**НАЗОРАТ** [*а.* “назорат” – бошқариш, идора қилиш; вазирлик бошқарма] Бирор ишнинг, нарсанинг аҳволи, бориши, кишининг юриш-туриши ва ш. к. устидан доимо кузатиш, текшириш. *Назоратдан четда қолган иш. Техника назорати. Назорат қилмоқ.*

**НАЗОРАТЧИ** Назорат идораларида ишловчи; назорат қилувчи қараб, кузатиб, текшириб турувчи; нозир. *Халқ назоратчилари. Тем йул назоратчиси.*

**НАМУНА** [*ф.* “намуна” – андоза, нусха; урناق, ибрат] 1 Бир турдаги нарсаларнинг шу нарсалар ҳақида тасаввур бера оладиган бир намунаси, бўлаги, донаси. *Газлама намунаси. Ғалла намуналари кўргазма*

2 Урناق бўла оладиган, ибрат олса, эргашса арзийдиган шахс ёки нарса; ибрат, урناق. *У меҳнатсеварликда ҳаммага намуна. Намуна олмоқ.*

**НАМУНАВИЙ ҲУЖЖАТ** Бошқарувнинг муайян бир хил вазирликлари билан боғлиқ, бир-бирига ўхшаш ва кўп такрорланадиган масъулаликлар юзасидан тузиладиган ҳужжатлар.

**НАРХ** [*ф.* “нарх” – баҳо, қиймат] Нарсанинг, буюмнинг пул бериш билан улчанадиган қиймати; баҳо.

**НАРХНОМА** Харидор учун товарларнинг нархи кўрсатилган бир намуна диргич ёки маълумотнома.

**НАСАБ** [*а.* “насаб” – қон-қариндошлик; алоқа, муносабат] Қон қилиши, насл-насаб; бир ота-бободан тарқалган авлод.

**НАСИЯ** [а. “насиа” – муҳлатни чўзиш, кечиктириш; қарз, кредит] 1 Эр-хотинлик, пулини кейин тўлаш шарти билан бўлган ёки буладиган савдо муомаласи; кредит. *Молни насиёга сотмоқ.*  
2 Шундай савдо муомаласига мувофиқ тўланадиган пул, қарз.

**НАСИЖА** [а. “нажижа” – хулоса, якун; оқибат, самара] 1 Иш-ҳаракат, ҳодисадан пировардида келиб чиққан оқибат; иш-ҳаракат, воқеадан келиб чиққан кўрсаткич.  
2 *т.* Фойда, наф; самара.

**НАФАҚА** [а. “нафақа” – харажат; алимент] 1 Муҳтож одамларга ёрдам тариқатида бериладиган пул; ёрдам пули.  
2 Ушдан булак турадиган хотин ёки эрга (етим, балоғатга етмаган қизлар учун) ёки меҳнатга яроқсиз ота-онага қонунчилик асосида тўри турадиган таъминот пули; алимент. *Нафақа бермоқ. Нафақа олимоқ.*

**НАФАҚАХҲҲҲ** [нафақа + *ф.* хўр – еювчи] Нафақа олувчи, нафақа таъминланган шахс.

**НАШИЁТ** [а. “нашриёт” – нашр ва тарғибот ишлари] 1 Босма асар тайёрлаш ва нашр этиш ишлари, ноширлик.  
2 Шундай ишлар билан шуғулланувчи муассаса. «Фан» *наширёти.*  
3 *т.* *Ҳуқуқ* номидаги *Адабиёт ва санъат наширёти.*

**НАҚД** [а. “нақд” – қўлда бор, мавжуд пул] Пулини дарҳол тўлаш шартини бўлган ёки буладиган савдо муомаласи. *Нақдга олмоқ. Нақдга сотмоқ.*

**НАҚД ПУЛ** Қўлда, ихтиёрда бор, фойдаланиш ёки муомалага кириш учун тайёр пул.

**НИЗОМ** [а. “низом” – тартиб, тизим; тузум; устав, ички тартиб қоидалари] Ташкилот ёки унинг таркибий бўлинмалари, кичик ёки катта тархона ва ш. к. нинг тузилиши, ҳуқуқи, вазифалари, бурчлари, тартиб-ахлоқ қилишлари тартиботини белгилайдиган ҳуқуқий ҳужжат.

**НИЗОМНОМА** [а. + *ф.* “низом + нома” – низом, устав, қоидалар] Ҳуқуқий ҳужжат, масала бўйича қонун-қоидалар, тартиблар мажмуи; ни-

**НИКОҲ** [а. “никоҳ” – уйланиш, эрга тегиш; эр-хотинлик; эр-хотинликни қовушиши] 1 Эр-хотинликни шариат йули билан расмий-

лаштириш маросими ва шу маросимда домудла томонидан ўқилган шартнома. *Никоҳ ўқимоқ.*

**2 Эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифок; эр-хотинлик.** *Никоҳ тўйи. Никоҳ тўғрисида гувоҳнома.*

**НИКОҲЛИ** Никоҳлаб олинган, никоҳ ўқиб расмийлаштирилган. *Никоҳли хотин.*

**НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ** Ажралиш – эр-хотиннинг тирик чоғида никоҳнинг бузилиши.

**НИКОҲСИЗ** Никоҳ қилинмаган (ўқилмаган) эр-хотинлиги йўқлиги ўқиб расмийлаштирилмаган. *Никоҳсиз хотин. Никоҳсиз туғилган (бола).*

**НИШОН** [ф. “нишон” – белги, из; муҳр, тамға; аломат; мулк] Орден; медаль. *“Меҳнат шухрати” нишони.*

**НИШОНЛАШ** Байрам, кутлуғ кун ва ш.к. ни тантана билан ўтказиш, муносиб совғалар билан кутиб олиш.

**НОГИРОН** [ф. “ногирон” – таъсир қилмайдиган, таъсир ўтказмайдиган қобилияти йўқ] Жисмоний ва ақлий нуқсонлари туфайли турмуш оқибатида оқибат чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимоя мухтож бўлган шахс. *Ногирон бола. Унинг бир қўли ногирон.*

**НОГИРОНЛИК** Ишга яроқсиз бўлиб қолишлик; туғри фикр қилинмаслик. *Жисмоний ногиронлик. Рухий ногиронлик.*

**НОЗИР** [а. “нозир” – кузатувчи; мудир, бошлик; назоратчи; ваъна] 1 Бажарилаётган иш-ҳаракатнинг туғрилигини, мавжуд қонун, қоида ва низомларга риоя қилиб амалга оширилишини назорат қилувчи маъмурият ходими. 2 *а. сабдор шахс, инспектор.*

**2 айн. назоратчи.**

**НОИБ, нойиб** [а. “ноиб” – ўринбосар, ёрдамчи; депутат] 1 *т. Урта асрларда мусулмон давлатларида тобе ўлка ёки вилоят ҳокими. 2 олий ҳукмдорнинг шу ердаги вакили, ўринбосари.*

**2 эск. Ўринбосар, ёрдамчи.**

**НОМЕНКЛАТУРА** [лот. nomenclatura – номлар, исмлар руйхати] Саноат ва бирор хужалик тармоғи ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг

**НОМЕНАТУР РҮЙХАТИ** *Заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулот номен-  
клатури*

**НОМОН** *Бирон-бир юқори (раҳбарий) орган томонидан тайинланадиган  
номиналликнадаиган мансабдор шахслар ва уларнинг рўйхати; лаво-  
н рўйхати*

**НОМЗОД** [ф. “номзад” – куёв, келин; унаштирилган; номи  
таъинланган, кандидат] 1 Давлат ёки жамоатчилик органида сайлаш,  
бирон-бир лавозимга тайинлаш, бирон-бир ташкилотга қабул қилиш  
ёки белгиланган, кўрсатилган шахс; кандидат. *Номзод кўрсатмоқ,  
Фан номзод рўйхати.*

2 Фан ва илмий даражанинг маълум босқичи. *Фан номзоди.*

**НОМИНАЛ I** [лот. nominalis – номи ёзилган] Қоғоз ва танга пул-  
лик билан баҳо қоғозлар, мол ва ш.к. нинг белгиланган, устига ёзил-  
ган. *Номинал билан сотмоқ.*

**НОМИНАЛ II** Белгиланган, ёзиб кўрсатилган (нарх, баҳо, улчам  
ва ш.к. вақиди). *Номинал баҳо.*

**НОМИНАЛ ИШ ҲАҚИ** Ишчи ва хизматларнинг соат, кун, ҳафта,  
одинда ўз меҳнати эвазига оладиган, товарлар нархлари ва хиз-  
мат кўрсатиш ҳақига боғлиқ бўлмаган пул шаклидаги иш ҳақи.

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ** Давлат ҳокимият орган-  
ларининг ҳуқуқ нормаларини (қонун, кодекс, қарор, йуриқнома ва  
ш.к.) қабул қилиш, ўзгартириш ва бекор қилиш юзасидан амалга  
оширишга қаратилган расмий ҳужжатлари булиб, ҳуқуқнинг асосий манбаларидан  
биридир.

**НОСТРИФИКАЦИЯ** [нем. Nostrifikation < лот. nostrum – бизники,  
қўшимча; узимизники; маҳаллий + facere – қилмоқ, ижро этмоқ]  
Давлат томонидан чет эл дипломи, унвони, илмий даражасини  
қўшимчадаги муқобил, тенг деб тан олиниши.

**НОТА** [лот. nota – белги; мулоҳаза, қайд этиш; хат, мактуб] Давлат-  
чи дипломатик ёзишмаларнинг энг кенг тарқалган тури булиб, би-  
раман мисала юзасидан ахборот берувчи олий даражадаги ҳужжат.

**НОТАРИАЛ ИДОРА** *айн. нотариат.*

**НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР** Нотариал идоралар (нотариат) томонидан ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш, шаҳодатлаш ва ҳужжат берилган борада амалга ошириладиган ишлар.

**НОТАРИАТ** [лот. notarius – мирза, котиб] Жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонуний назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йули билан ҳимоя қилувчи органлар тизими.

**НОТАРИУС** [лот. notarius – мирза, котиб] Турли хил юридик ҳужжатларни (шартнома, васиятнома, ишончнома ва ш. к.) қабул қилдириш, тасдиқлаш ишларини амалга оширувчи мансабдор шахс.

**НОУТБУК, нотбук** [ингл. notebook – дафтар; ёзув дафтарчи] Одатда, кичик япаски чамадончага ўхшаш портатив шахсий компьютер; имкониятлари жиҳатидан оддий шахсий компьютерларга тенглаштирилади ва уяли телефон орқали интернет билан боғланиши мумкин.

**НОФАОЛ БАЛАНС** айн. пассив баланс.

**НОШИР** [а. “ношир” – тарқатувчи, нашр этувчи] Нашр этувчи, чоп қилувчи, чиқарувчи.

**НОҚОНУНИЙ** [но.. + қонуний] Қонунга зид, қонуний бўлмаган. *Ноқонуний қарорлар.*

**НУЛЛИФИКАЦИЯ** [лот. nullificatio – йўқотиш] Бирор ҳужжатни юридик кучдан, қонунийликдан маҳрум этиш. Қимматли қоғозларга нисбатан пул белгиларига нисбатан нуллификация уларнинг давлат томонидан бекор қилинишини билдиради.

**НУСХА** [а. “нусха” – андоза, ўхшаш, намуна; адад, дон] 1) Турдаги нарсалар ҳақида тасаввур берадиган намуна. *Молларнинг тасвир халари.*

2) Бир хил қилиб ясаш, кўчириш учун тайёрланган буюм намуна. андоза; қолип.

3) Бирор нарсанинг аслидан олинган кўчирма. *Баённома нусха. Нусха олмоқ. Нусха кўчирмоқ.*



**НУҚСОН** [а. “нуқсон” – камайиш, озайиш; камчилик, нуқс] 1 Киши  
ёки жониворнинг номуносиб, уни салбий жиҳатдан кўрсатадиган белги; камчи-  
лиги, нуқси, қусур, айб. *Унинг бир нуқсони – ёлгончилиги.*

2 Жониворнинг ёки руҳий камчилик, иллат. *Унинг бир нуқсони бор: сал  
қилди.*

3 Софит жиҳатидан етишмовчилик, камчилик, кам-куст. *Ёғочнинг  
нуқси Иидаги нуқсонлар.*

**НУҚТАИ НАЗАР** Қарашлар системаси, воқеа ва ҳодисаларни англ-  
ча *view*, концепция.

## О

**ОБУНА** [фр. *abonnement* – имзо чекмоқ, имзоламақ; ёзилмоқ] Газета,  
журнал ва ш.к. га олдиндан ҳақ тулаб ёзилиш. *Вақтли матбуотга обу-  
на тўламоқ. Обуна тўпламоқ.*

**ОБОТ** Давлат ва жамоатчилик ташкилотларида сайлов ўтказиш ёки  
бир масалани ҳал қилишда сайловчилар ёки мажлис иштирокчила-  
рининг ҳар бирининг алоҳида фикри, ўз фикрини баён этиш ҳуқуқи ва  
шунинг асосида қилувчи овоз.

**ОБОТ БЕРИШ** Бирор масаланинг ҳал этилишига, уртага қуйилган  
масаланинг ёки сайлаш, сайламасликка ўз майлини билдириш.

**ОБОТ БЕРИШ ҲУҚУҚИ** Бирор масаланинг ҳал этилишига, уртага  
қуйилган масаланинг ёки сайлаш, сайламасликка ўз майлини билдириш  
ҳуқуқи.

**ОБОТ ҚУЙМОҚ** Бирор масалани ҳал қилиш ёки сайлашда  
иштирокчиларининг шу масала ҳақидаги фикрини, розилиги-  
ни ёки қаршичилигини сўраш, билиш.

**ОГОҲЛАНТИРИШ** 1 Маълум иш-ҳаракат ҳақида хабардор, огоҳ  
қилиш.

2 Ишда камчиликка йўл қуйган, хато қилган ходимларни расмий  
билан жазолаш чораси; танбеҳ. *Огоҳлантириш олмақ.*

**ОИЛА** [а. “оила” – бола-чақа, хонадон; уруғ, авлод] Эр-хотин, улар-  
нинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи  
оила аъзолари; хонадон.

**ОИЛА ПУДРАТИ** Меҳнатни ташкил этишнинг ички ҳужжат шакли, жамоа пудрати кўринишларидан бири, бунда оила пудрати бўлиб шартнома тузади, шунингдек, қариндошлик алоқалари бўлмаган кичикроқ жамоалар (5 кишигача) ҳам ишлаши мумкин.

**ОЙЛИК** Бир ой мобайнида бажарилган меҳнат учун тегадиган ҳақ, маош.

**ОЙЛИКБАЙ** Ҳар ойда қилинган ишга ҳақ тулаш шарти билан амалдаш-ёлланиш усули.

**ОЙЛИК РЕЖА** Бир ойга мўлжалланган режа.

**ОЛДИНДАН РЕЖАЛАШТИРИШ** Бирор иш, воқеа-ҳодиса билан амалдан, рўй бермасдан илгари режа тузиш.

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ** Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида кенг тарқалган, асосий вазифаси товар-пул алмашинуни амалга оширишдан иборат шартнома.

**ОЛИЙ ҲУҚУВ ЮРТИ** Малакали мутахассислар, илмий ва педагог кадрлар тайёрлаб беришга йўналтирилган ҳуқуқ муассасалари.

**ОЛИНМА ҲУЖЖАТЛАР** Бошқа ташкилотлардан келадиган ҳужжатлар.

**ОМИЛ** [а. “омил” – сабаб; таъсирчан куч] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг юзага чиқиши, содир бўлиши учун сабаб бўлган нарса сабаб.

**ОМОНАТ** [а. “омонат” – ишончлилик; тўғрилиқ, ҳалоллик; сақлаш учун берилган нарса; тўхфа; мерос] 1 Сақлаб бериш, вақтинча фойдаланиш ёки бошқа бир кишига элтиб бериш учун топширилган. *Омонат хат. Омонат пул.*

2 Мижознинг маълум бир шартлар асосида банкка қўйган пул маблағи.

**ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ** Омонат кассага пул қўйилгани ҳақидаги шахсий ҳужжат.

**ОМОНАТ КАССАСИ** Фуқароларнинг пулини вақтинча сақлаб туриладиган муассаса.

**ОМОНАТ ШАРТНОМАСИ** Бир тараф (омонат сақловчи) иккинчи тараф (сақлашга топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тула қайтариш мажбуриятини оладиган шартнома турларидан бири.

**ОМОНАТЧИ** Омонат кассасига пул қўйган киши.

**ОПЕРАТИВ 1** Топшириқни ёки ўз вазифасини тез ва амалий ҳал қилган, бажарадиган. *Оператив гуруҳ. Милиция бўлимнинг оперативчилари.*

1. Тезлик, зудлик билан амалга ошириладиган, тез қўлланадиган; 2. Оқилом, амалий. *Оператив чоралар. Оператив ишламоқ.*

**ОПЕРАЦИЯ** [лот. operatio – иш, ҳаракат, фаолият] Савдо, молия, транспорт, саноат, компьютер, суғурга ва б. билан боғлиқ вазифаларни баъзан қиқратилган фаолият ёки хатти-ҳаракат. *Банк операциялари.*

**ОППОНЕНТ** [лот. opponens, opponens – эътироз билдирувчи] Қаршилик позиция ёки маърузани танқидий баҳолай оладиган, таҳлил қила оладиган мутахассис. *Расмий оппонентлар.*

**ОПЦИОН** [нем. Option < лот. optio, optionis – танлаш; истак] 1. Қўшимча шартларига кура томонлардан бирига мажбуриятларни баъзан пули, шакли, ҳажми, техникасини танлаб олиш учун берилган ҳужжат.

